

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 343.1(575.1)

САМИЕВА САДОҚАТ АБДУРАХМАТОВНА

**ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ЖИНОЯТЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ
ИШЛАРНИ СУДДА ҚЎРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

5А240104 – Жиноят ҳуқуқи; жиноят процесси

Магистр

**академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

Илмий рахбар:

ю.ф.н. И.Б.Джураев

ТОШКЕНТ- 2014

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I БОБ. СУДЛАРДА ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ЖИНОЯТЛАРИ ҲАҚИДАГИ ИШЛАРНИ КЎРИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ.....	10
1. Ўзбекистонда вояга етмаганлар жиноят ишларини судда кўришнинг ривожланиш босқичлари ва тарихи.....	10
2. Судларда вояга етмаганлар жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш тушунчаси ва аҳамияти.....	21
I боб бўйича хулоса.....	24
II БОБ. СУДЛАРДА ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖИНОЯТЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАР КЎРИЛИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	26
1. Вояга етмаганларнинг жиноят ишларини судда кўришда исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатлар.....	26
2. Вояга етмаганлар жиноят ишларини судда кўришда ишпирок этувчи шахслар.....	38
3. Судда вояга етмаганлар жиноят ишларини кўришнинг рухий-психологик ва ахлоқий жиҳатлари.....	44
II боб бўйича хулоса.....	52
III БОБ. ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ЖИНОЯТЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАР БЎЙИЧА СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	54
3.1. Судларда вояга етмаганлар жиноят ишларини кўрилишини такомиллаштириш масалалари.....	54
3.2. Айрим хорижий давлатларда вояга етмаганлар жиноятлари тўғрисидаги ишларни судда кўриш тартиби.....	62
3.3. Вояга етмаган шахсга нисбаган ҳукм чиқаришда ҳал қилинадиган масалалар.....	65
III боб бўйича хулоса.....	75
Хулоса.....	77
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	81

Кириш

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг кўпчилик қисмини вояга етмаганлар ташкил қилиб, уларнинг баркамол ривожини мамлакат тараққиётининг асосий шартларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 45-моддасига мувофиқ республикада қабул қилинаётган қонун ҳужжатларида ёш авлоднинг баркамол ривож топиши ҳамда уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун қафолатлар белгиланган бўлиб, давлат органлари томонидан ёшларни тарбиялашга айниқса, вояга етмаганларнинг тарбиясига алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Президентимиз И.А.Каримов “Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу – қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир”¹, дея бежизга таъкидламаганлар.

Бугунги кунда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг бош вазифаси сифатида одил судлов соҳасида инсонларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларига, фуқароларнинг, шу хусусда, вояга етмаганларнинг ҳам конституциявий ҳуқуқларига сўзсиз риоя қилиниши ҳамда уларни муҳофаза қилишни таъминлашда намоён бўлмоқда. Суд-ҳуқуқ ислохотларининг туб мазмун-моҳияти ҳам фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишни қафолатлашга, одил судловнинг сифати ва самарадорлигини янада оширишга қаратилган.

Шуни айтиш лозимки, бугунги кунда вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммолари ҳозирги даврнинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб, жаҳон диққат марказидаги инсон ҳуқуқларини

¹ Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т 19. - Т.: Ўзбекистон, 2011 й. – Б.53.

химоя қилиш билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Республикаимиз президенти Ислоҳ Каримовнинг таъкидлаганидек “Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар муваффақияти, аҳоли турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини ошириш бўйича эришилган ютуқлар етакчи халқаро ташкилотлар ҳамда экспертлар ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилиб, ҳолисона баҳоланмоқда”². Ушбу сўзлар нафақат иқтисодий балки суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларга шу ўринда вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини судда химоя қилиш муаммоларига ҳам тегишлидир.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётган масала бўлиб ҳисобланади.

Бу борада юртбошимиз таъкидлаганидек, “Соғлом бола йили”нинг асосий мақсад ва вазифалари ҳақида гапирар эканмиз, халқимиз ўртасида кенг тарқалган “Фарзандлари соғлом юрт кудратли бўлур, кудратли элнинг фарзандлари соғлом бўлур” деган ҳикматли иборани яна бир бор эсга олишимиз ўринли бўлади, деб ўйлайман.

"Бизнинг мана шу қисқа – йигирма икки йиллик янги тарихимизда мустақилликка эришиш, миллий давлатчилигимиз, эртанги кунимизни қуришда, юртимизни турли бало-қазолардан асрашда, Ўзбекистонимизнинг ривожланган демократик давлатлар қаторига кириши, жаҳон майдонида муносиб обрў топишида энг асосий омиллар нима деб сўраса, мен, бошқа мезонларни инкор этмаган ҳолда, бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтган бўлардим: бу йўлдаги энг муҳим омил – бу ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмасдан, бошини баланд кўтариб яшайдиган, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга, халқимиз интилаётган келажаги

² И.А.Каримов 2012 йилда республика ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2013 йил 22 январь.

буюк давлатни барпо этишга қодир бўлган баркамол авлодимиз, десам, айна ҳақиқатни айтган бўламан"³.

Ўзбекистонда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, хусусан, шахс ҳуқуқининг ажралмас таркибий қисми саналган болалар ҳуқуқини таъминлаш давлат сиёсати даражасидаги устувор вазифалардан бири сифатида белгиланади. Тарихан қисқа даврда мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш борасида улкан муваффақиятларга эришилмоқда ва бу дунё ҳамжамияти томонидан муносиб баҳоланмоқда⁴.

Дарҳақиқат, ана шу баркамол авлодни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва келажакда оилани мустаҳкамлаш, болаларни сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий шароитларда ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишни янада яхшилаш борасида республикаимизда 10 та қонун, 30 та Президент Фармони ва қарорлари, 40 га яқин Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва 30 дан ортиқ соҳага оид норматив-ҳуқуқий актлари – жами 100 га яқин норматив-ҳуқуқий актлар қабул қилинганлиги амалга оширилган хайрли ишларимиз натижасидир.

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда фуқаролар эркинликлари ва қонун устуворлигини таъминлаш йўлида анчагина ишлар амалга оширилиб, ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Ҳар бир фуқаро, ҳар бир ёш эндиликда ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билиши ва уни ҳимоя қила олиши зарур, айниқса, вояга етмаганларнинг ишини судда кўришда юзага келадиган муаммолар ва уларни бартараф этишга доир масалалари алоҳида эътиборга молик.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, республика бўйича 2005 йилда судланган вояга етмаганлар умумий судланганларнинг 3,6% ини, 2006

³ Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажакимизнинг асосий омилidir” номли маърузаси.Т. Халқ сўзи. 2013. 9 декабрь.

⁴ Қодиров.Р.Х. // Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб хунар таълимининг мажбурийлиги баркамол ёш авлодни тарбиялашнинг муҳим омилidir // Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси №3 (15)2013

йилда. 3,9% ни, 2007 йил 4,0% ни, 2008 йил 3,4%, 2009 йил 4,2%, 2010 йил 3,4%, 2011 йил 3,2%, 2012 йилга келиб эса 3,5%ни ташкил этган. Жами вояга етмаган судланганларнинг ўрта ҳисобда 37 фоизини 14-16 ёшдагилар, 63 фоизини 17-18 ёшдагилар ташкил қилади⁵.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси маълумотларига кўра, Республика миқёсида 2011 йилнинг 12 ойида вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар сони 2180 тани, 2012 йил 12 ойида эса, 2163 тани, 2013 йил 12 ойида эса, ушбу сонинг 33 тага камайганини кўришимиз мумкин⁶.

Айтиш керакки, эришилган ютуқлар билан чекланиб қолмасдан, барча жиноят процессуал қонун нормаларининг янада такомиллаштириш юзасидан илмий изланишлар олиб бориш, шу жумладан вояга етмаганларнинг жиноят ишларини юритиш, уларни суд тартибида кўриш тўғрисидаги қонун нормаларини янада мувофиқлаштириш, жиноят ишларини юритишда мавжуд зиддиятларга барҳам бериш бугунги куннинг талаби ҳисобланиб, танланган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши. Тадқиқот **объекти** бўлиб вояга етмаганлар жиноятлари тўғрисидаги ишларни судда кўришнинг ўзига хос хусусиятларини илмий ва назарий жиҳатдан тадқиқ этишда юзага келаётган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Тадқиқотнинг **предметини** вояга етмаганлар жиноятлари тўғрисидаги ишларни судда кўришнинг ўзига хос хусусиятларини белгиловчи қонун ҳужжатлари, нормалари ва уларни қўллаш амалиёти ташкил этади.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал қонунчилигида вояга етмаганлар жиноят ишларини судда кўришнинг ўзига хос хусусиятларини қиёсий таҳлил қилган ҳолда қонунчиликни такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш

⁵www.gow.uz

⁶ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2013 йил май ойидаги 10 - 10\ - 13 - сонли Ахборотномаси.

амалиёти самарадорлигини ошириш юзасидан илмий асослантирилган таклиф ва хулосаларни ишлаб чиқиш ишнинг мақсади ҳисобланади.

Мазкур мақсадга эришиш борасида қуйидагилар **асосий вазифалар** сифатида белгилаб олинди:

-вояга етмаганлар жиноятлари тўғрисидаги ишларни судда кўришнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ масалаларнинг илмий ва назарий жиҳатидан тадқиқ этиш;

-вояга етмаганлар жиноятлари тўғрисидаги ишларни судда кўришнинг ривожланиш тарихини ўрганиш;

-вояга етмаганларнинг жиноят ишлари бўйича исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатларни таҳлил қилиш;

-судда вояга етмаганларнинг жиноят ишларини кўришнинг процессуал тартибини ўрганиш;

-вояга етмаганлар жиноят ишини юритиш борасида ҳалқаро тажрибани тадқиқ қилиш;

-суд мажлисида жамоатчилик бирлашмалари, жамоалар ва уларнинг вакилларининг иштирок этишини таҳлил қилиш;

-Ювенал юстициянинг Ўзбекистон Республикасида жорий этилиши имкониятлари ва унинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш;

-вояга етмаганлар жиноятлари тўғрисидаги ишларни судда кўришининг ўзига хос хусусиятлари ва бу борада амалиётда юзага келган камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

- вояга етмаганлар жиноий ишларини кўришнинг ахлоқий жиҳатларини таҳлил этиш ва айрим хорижий давлатлар қонунчилигида вояга етмаганларнинг жиноят ишлари бўйича исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатларни қиёсий таҳлил этиш, хорижий мамлакатларнинг бу борадаги ижобий тажрибаси асосида миллий қонунчилигимизни ривожлантириш юзасидан фикр-мулоҳаза, таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тадқиқот ишида вояга етмаганлар жиноятлари тўғрисидаги ишларни судда кўришнинг ўзига хос хусусиятлари, вояга етмаганларга кафолатланган ҳуқуқлар ва уларни амалга ошириш механизми ёритилди. Вояга етмаганлар жиноятлари тўғрисидаги ишларни судда кўриш тартибини янада такомиллаштиришга оид ЖПКга ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили. Вояга етмаганларнинг жиноят ишлари билан боғлиқ ҳолатлар мамлакатимиз ва МДХдаги бир қатор олимлар томонидан кенг равишда ўрганилган.

Мамлакатимизнинг йирик процессуалчи олимлари Ғ.А.Абдумажидов, Г.П.Саркисянц, М.Х.Рустамбаев, Ф.Тохиров, Р.А.Зуфаров, Э.С.Шамсиевларнинг илмий асарларида вояга етмаганларнинг жиноят ишларини юритиш тўғрисида қимматли фикрлар билдирганлар. Ўзбекистонда ювенал юстицияни жорий қилиш муаммоларига У.А.Тухташева, вояга етмаганларга нисбатан эҳтиёт чораларини қўллаш муаммоларига Г.З.Тўлаганова ҳам ўз илмий ишларида тўхталиб ўтганлар. А.Ирсалиев томонидан вояга етмаганлар жиноят ишларини юритиш ва вояга етмаганлар жиноятлари тўғрисидаги ишларни биринчи инстанция судларида кўриш тўғрисида номзодлик диссертацияси ёзилган.

Бошқа ёш тадқиқотчилар томонидан вояга етмаганлар жиноят ишларини кўришни сифат жиҳатдан янги поғонага кўтариш, халқаро андозаларга мувофиқлаштириш тўғрисидаги таклифлар берилмоқда.

Россиялик олимлардан С.В.Тетюев⁷, Л.В.Ченцова⁸, Р.С.Хисматуллин⁹, Д.Ф.Флоря¹⁰, Н.В.Угольников¹¹, Н.И.Снегирева¹²,

⁷ Тетюев С.В. Допрос несовершеннолетнего обвиняемого в стадии предварительного расследования :Процессуальный аспект : Дис. ... канд. юрид. наук : 12.00.09 : Челябинск, 2006. 299 с.

⁸ Ченцова Л.В. Особенности уголовно-процессуального производства по делам несовершеннолетних, не являющихся субъектами уголовной ответственности : Дис. ... канд. юрид. наук : 12.00.09 : Москва, 2002. 205 с.

⁹ Хисматуллин Р.С. Современные проблемы судебной деятельности по делам несовершеннолетних : Дис. ... д-ра юрид. наук : 12.00.09 : Уфа, 2002. 457 с.

И.С.Семьянова¹³, А.Н.Попов¹⁴, Б.В.Даниэльбек¹⁵, А.Н.Игнатов, А.П.Дьяченко¹⁶, А.Ж.Машабаев¹⁷, Б.Натансон, М.Н.Хлынцов, С.В.Тихоненко¹⁸, С.В.Тетюев¹⁹, В.И.Омигов²⁰, А.К.Мукажанов²¹ ва бошқалар ўз асарларида вояга етмаганлар жиноят ишларини юритиш муаммолари хусусида илмий изланишлар олиб борганлар.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи.
Тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг илмий асарлари, қонунлар ва фалсафа, мантиқ, ҳуқуқ, тарих, социология фанларига оид услубий қоидалар, ижтимоий-ҳуқуқий тадқиқотларда фойдаланиладиган билиш усуллари ташкил этади. Шунингдек, тадқиқотда умумий, илмий, тарихий, социологик, статистик ва қиёсий-ҳуқуқий усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.
Магистрлик диссертациясида ишлаб чиқилган илмий-назарий қоидалар, илгари сурилган хулосалар, таклиф ва тавсиялар жиноят-процессуал қонунчилигини либераллаштириш ва такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарор лойиҳаларини ишлаб чиқиш, айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, докторлик

10 Флоря Д.Ф. Расследование вовлечения несовершеннолетних в совершение преступлений : Дис. ... канд. юрид. наук : 12.00.09 : Москва, 2002. 194 с.

11 Угольников Н.В. Прекращение уголовного дела в отношении несовершеннолетнего с применением принудительных мер воспитательного воздействия : Дис. ... канд. юрид. наук : 12.00.09 : Москва, 2000. 194 с.

12 Снегирева Н.И. Обеспечение прав и законных интересов несовершеннолетних участников уголовного процесса на стадии предварительного расследования : Дис. ... канд. юрид. наук : 12.00.09 : Воронеж, 2001. 248 с.

13 Семьянова И.С. Проблемы совершенствования расследования преступлений несовершеннолетних (Организационно-правовой аспект) : Дис. ... канд. юрид. наук : 12.00.09 : Омск, 2003. 174 с.

¹⁴ Попов А. Н. Особенности предварительного расследования по делам о преступлениях несовершеннолетних : Дис. ... канд. юрид. наук : 12.00.09 : Красноярск, 2001. 254 с.

¹⁵ Даниэльбек Б.В. Половые преступления и уголовная ответственность. – Волгоград, 1972. – С.48;

¹⁶ Дьяченко А.П. Проблемы ответственности и применения наказания за изнасилования по советскому уголовному законодательству: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 1978. – 18 с;

¹⁷ Машабаев А.Ж. Уголовно-правовая борьба с групповыми половыми преступлениями и их предупреждение: Дис ... кан. юрид. наук. – Алма-Ата., 1990. – 158 с;

¹⁸ Тихоненко С.В. Мотивация половых преступлений и организация их предупреждения органами внутренних дел: Дис ... кан. юрид. наук. – М., 1993. – 158 с;

¹⁹ Тетюев С.В. Допрос несовершеннолетнего обвиняемого в стадии предварительного расследования :Процессуальный аспект : Дис. ... канд. юрид. наук : 12.00.09 : Челябинск, 2006. 299 с.

²⁰ Омигов В.И. Преступность несовершеннолетних: ее характеристика. Вопросы ювенальной юстиции. 2012. №3 (41).-Б.14.

тадқиқотларини олиб бориш, талабаларга маъруза ўқиш, улар билан амалий машғулотлар ўтказишда назарий манба сифатида хизмат қилади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Илмий янгилиги тадқиқот ишида мамлакатимиз мисолида ҳозирги даврда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари шароитида жиноят процессида вояга етмаганлар жиноятлари тўғрисидаги ишларни судда кўришнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда комплекс монографик тарзда тадқиқ этилганлиги билан белгиланади.

Диссертацияда вояга етмаганлар жиноятлари тўғрисидаги ишларни судда кўришга оид муаммоларни Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилиги асосида илмий-назарий, амалий ва қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил этилди. Тадқиқот мавзусига оид ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларни жиноят-процессуал қонунчилиги қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан ўрганилиб, амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган хулоса ва амалий таклифлар ишлаб чиқилди.

Диссертация тузилиши ва таркиби. Магистрлик диссертацияси иши кириш, 3 та боб, 7 та параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 80 бет. Илмий ишни ёзишда 80 дан ортиқ манбадан фойдаланилган.

І БОБ. СУДДА ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ЖИНОЯТЛАРИ ҲАҚИДАГИ ИШЛАРНИ КЎРИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

1. Ўзбекистонда вояга етмаганлар жиноят ишларини судда кўришнинг ривожланиш босқичлари ва тарихи

Маълумки ҳар бир соҳа ўзининг муайян тарихий ривожланиш босқичларини босиб ўтади. Ўзбекистонда ҳам бугунги кўринишдаги вояга етмаганлар жиноят ишларини юритиш тартибининг вужудга келиши маълум бир тадрижий босқичларни босиб ўтган.

Ўрта асрнинг мусулмон ҳуқуқшунослари ва ҳозирги замон тадқиқотчилари вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлари ва жиноятларига доир ишларни кўриш, уларни таҳлил қилиш мусулмон жиноят ҳуқуқининг ўзига хос томонларини янада чуқур ўрганишга яқиндан кўмаклашади. Уларнинг кўпчилигини негизида иккита асосий мезон: у ёки бу ноўрин қилмишлар учун жазо белгилаш даражаси; бузилган ҳуқуқ ва манфаатларнинг характери²² ётади.

Совет даври олими М.Муллаев мусулмон суд юритиш амалиётидан маълумки, қозилар ҳеч қачон айбдорнинг ақли расолиги, унинг вояга етган- етмаганлиги ғамини емаганлар²³, - деб таъкидлайди. Ушбу фикрни унчалик ҳам асосли деб бўлмайди, чунки машҳур Француз олими Р.Шарль мусулмон жиноят ҳуқуқида жиноят субъекти тушунчаси батафсил ёритилганлигини юқори баҳолаб: мусулмон ҳуқуқига биноан, эс-хуши жойида бўлган, дин ва фуқаролик ҳуқуқи нуқтаи назари талаб қилган даражада ўз қилмиши учун жавоб бера оладиган шахсгина ҳар бир хатти-ҳаракати учун тўла жавобгар ҳисобланади. Эс-хушининг йўқолишига

²² Сюкияйнен Л.Р. и Лихачёва В.А. Мусульманское деликтное право и уголовное законодательство стран Зарубежного Востока.// Мусульманское право.- М.: ИГП АН СССР, 1984, 77 – бет.

²³ Муллаев М.М. Присхождение и реакционная сущность шариата. – Душанбе: Изд-во Ирфон, 1967, 54-бет.

сабаб бўладиган савдодийлик ҳам (ақли норасолик) жавобгарликдан озод қилувчи ҳолатлар саналади деган²⁴.

Шариатда балоғат ёши қизлар учун – 9 ёш, ўғил болалар учун – 12 ёш қилиб белгиланган. Лекин 9 ва 12 ёш вояга етганликни белгиловчи энг кичик ёш ҳисобланиб, умумий балоғат ёши 15 ёш деб белгиланган.

Мусулмон ҳуқуқида балоғатга етмаган шахсларга жазо тайинланмаслиги белгилаб қўйилишига қарамай, 12 ёшдан 15 ёшгача бўлган жиноятчи ўсмирларга “Таъзир” жазоси қўлланилганлиги айтилган²⁵.

Бундан келиб чиқадики, шариат қонунлари бўйича судда вояга етмаганинг ишини кўришда жиноят содир этган шахснинг вояга етган ёки етмаганлиги инобатга олинган, лекин эътиборимизни шунга қаратишимиз лозимки, ушбу қонунчиликда шахснинг балоғат ёшига етиб тўла муомала лаёқатига эга бўлиши ва жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган жиноят субъект ёши бир-биридан ажратилмаган. Яъни шахс ҳам фуқаролик ҳуқуқий нуқтаи назардан, ҳам жиноят ҳуқуқи нуқтаи назаридан вояга етган деб топилиши учун битта ёш цензи белгиланганган.

Вояга етмаганларнинг иштирокида судгача иш юритишнинг маълум қоидаларини белгилаб берувчи норматив ҳуқуқий қоидалар ишлаб чиқилиб, қонунчиликка киритилганлигига юз йилдан ошди. Халқаро конгрессларнинг тавсиялари таъсири остида қабул қилинган (Лондон 1872 йил ва Санкт-Петербург 1891 йил) 1897 йил 2 июндаги “Ёш ва вояга етмаган судланувчилар тўғрисида”ги қонунда вояга етмаганларнинг қонуний вакилларининг иштирок этиши, масъул назорат, ахлоқ тузатиш колониялари қошидаги бўлинмага қамоққа олиш шаклидаги махсус эҳтиёт чораларини қўллаш имконияти, вояга етмаганларнинг катта ёшдагилар билан биргаликда жиноят содир этганликда шерикчилик тўғрисидаги ишларни алоҳида иш юритувига ажратилиши, вояга етмаган

²⁴Шарл Р. Мусулманское право. – М., 1959, 43 – бет.

²⁵Ражабова М.Шариатда жиноят ва жазо.Тошкент.Адолат.1996 йил.74-бет.

айбланувчининг ақлий ва маънавий ривожланиш даражасини аниқлаш, мажбурий ҳимоя қилиш таъкидлаб ўтилган.

Вояга етмаганларнинг жиноят ишлари бўйича иш юритувни белгилаб берувчи мазкур жиноий процессуал нормалар “Жиноий суд иш юритуви Устави”нинг 20 дан ортиқ моддаларида мустаҳкамланган, шу туфайли унда ушбу тоифадаги ишларни тергов қилиш ва судда кўрилишининг махсус қоидалари аниқ белгиланган.²⁶

Вояга етмаганлар жиноят ишларини юритишнинг тарихий ривожланиши хусусида сўз юритганда собиқ СССР даврида вояга етмаганларнинг жиноят ишларини судга қадар юритилиши борасидаги қонунчилик хусусида тўхталиб ўтишни лозим.

Собиқ Совет давлатини ривожланишининг турли тарихий босқичларида вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар юзасидан тергов олиб боришнинг тегишли қонун билан белгилаб берилиши ва бу ишларни самарали ташкил этилишига шу даврларда ҳам алоҳида эътибор билан қаралган. Жиноят процесси фанида вояга етмаганларнинг жиноят ишлари бўйича иш юритишни белгилаб берувчи меъёрлар ҳам батафсил кўрсатиб ўтилган эди.

Вояга етмаганлар жиноят ишларини тергов қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ривожланишидаги кейинги босқич 1918 йил 17 январдаги “Вояга етмаганларнинг ишлари бўйича комиссиялар тўғрисида”ги ва 1920 йил 4 мартдаги “Вояга етмаганлар судлови тўғрисида”ги совет декретлари, шунингдек, 1920 йил 30 июлдаги “Вояга етмаганларнинг ишлари бўйича комиссиялар фаолияти тўғрисидаги Йўриқнома” ҳисобланади. Ушбу декретларга ва Йўриқномага мувофиқ 17 ёшгача бўлган иккала жинсдаги шахсларнинг жиноят ишлари бўйича иш юритув суд ваколатларидан жамоат қармоғи, маориф ва адлия идоралари вакилларида тузилган ҳамда РСФСР Жамоат қармоғининг Наркоматига бўйсунувчи вояга етмаганларнинг ишлари бўйича комиссияларнинг

²⁶ Семьянова И.С. Проблемы совершенствования расследования преступлений несовершеннолетних (организационно-правовой аспект): Автореф. Дис.канд. юрид.наук. – Омск., 2003. – Ст. 3-4

юрисдикциясига ўтган. Вояга етмаганларнинг оғир жиноятларини тергов қилиш улар ушланганидан кейин вояга етмаганларнинг ишлари бўйича комиссиянинг аъзоси бўлган халқ судьясига берилар эди. Судья иш бўйича тергов ҳаракатларини олиб бориб, комиссияга тергов натижалари бўйича маърузани киритар, унинг асосида якуний қарор қабул қилинган.

1923 йилдаги РСФСРнинг Жиноят процессуал кодекси ҳам умумий вояга етмаганларнинг ишлари бўйича иш юритувни, ҳам унинг судгача босқичларини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар тизимини ривожланишига олиб келмаган. Бунинг устига, унда фақат ушбу тоифадаги ишларни тергов қилишга оид бўлган қуйидаги махсус қоидаларгина ажратиб кўрсатилган эди, яъни вояга етмаган шахснинг катта ёшдаги шахс билан биргаликда содир этилган жинояти тўғрисидаги иш алоҳида юритувга ажратилиб, вояга етмаганларнинг ишлари бўйича комиссияга юборилиши лозим бўлган, тегишли ҳужжатлар бўлмаганда айбланувчининг ёшини аниқлаш учун тиббий кўрикдан ўтказилиши лозимлиги белгилаб қўйилган эди.

Шундай қилиб, вояга етмаганлар жиноятлари юзасидан иш юритишнинг ҳуқуқий жиҳатлари инқилобгача бўлган даврда Россия қонунчилигида анча аниқ белгилаб ўтилган “Вояга етмаганларнинг ишлари бўйича комиссиялар тўғрисида”ги ва “Вояга етмаганлар устидан судлов тўғрисида”ги декретларда ўзгартирилган, вояга етмаганларнинг жиноятлари бўйича судгача иш юритиш тартиби XX асрнинг 20 йилларидаги жиноят-процессуал қонунчилигида деярли ўз аксини топмаган, буни вояга етмаганларга нисбатан Россия жиноят процессининг ривожланишидаги орқага қўйилган қадам деб баҳолаш мумкин²⁷.

1926 йилги, Ўзбекистоннинг биринчи ЖПК 1926 йил 16 июнда қабул қилинган ва у 1 июлдан кучга кирган. Шу пайтдан эътиборан РСФСР, Бухоро ва Хоразм халқ Республикалари ЖПКлари ўз кучини йўқотган.

²⁷ Мельникова Э.Б. Правосудие по делам несовершеннолетних//История и современность// –М., 1990. – С. 40

Ушбу Жиноят-процессуал кодекс 6 бўлим, 32 боб, 455 моддадан иборат бўлган.

1929 йилги, Ўзбекистоннинг иккинчи ЖПК 1929 йил 29 июнда қабул қилиниб, шу йилнинг 1 августидан кучга кирган. Ушбу Жиноят-процессуал кодекси 18 боб, 175-моддадан иборат бўлиб, вояга етмаганларни ишини судда кўриш масаласига доир алоҳида нормалар мавжуд эмас эди²⁸.

Вояга етмаганларга нисбатан жиноят ишлари юритувини ташкил этиш соҳасидаги туб бурилишлар XX асрнинг 30 йилларида вояга етмаганларнинг жиноятлари, қаровсизлиги ва назоратсизлигига қарши курашга бағишланган махсус дастурий норматив ҳужжатларнинг қабул қилиниши билан юз берди. 1935 йил 7 апрелдаги собиқ ССРСРнинг “Вояга етмаганларнинг жиноятчилигига қарши курашнинг чоралари тўғрисида”ги қарори ва 1935 йил 20 июндаги “Болалар қаровсизлиги ва назоратсизлигини бартараф этиш тўғрисида”ги қарори ўсмирларнинг ҳуқуқбузарликлари тўғрисидаги ишларга суд аралашувининг соҳасини кенгайтириб, бу ишлар бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, энг аввало прокуратуранинг фаолиятида аниқ ихтисослашувни киритиб, вояга етмаганларнинг ишлари бўйича комиссиялар беркор қилинди²⁹.

Юқорида айтиб ўтилган йилларда ҳуқуқшунослар орасида вояга етмаганларнинг ишлари бўйича одил судлов тизимининг, жумладан судгача иш юритувининг ривожланиш истиқболлари хусусида илмий мунозаралар борар эди. Вояга етмаганларнинг жиноятчилигига қарши кураш муаммоларига ихтисослашувчи ҳуқуқшуносларнинг бахсларига туртки бўлган ўзига хос омил давлатнинг баъзи шаҳарларида халқ судлари қошида вояга етмаганларнинг ишлари бўйича махсус “камералар”ни

²⁸ УПК Узбекской ССР. — Самарканд: Издательство Управделами СНК Уз ССР, 1930. С.33-34.

²⁹ Собрание законодательства СССР. —1935. —Отд. 1. —№ 19.

(участкаларни) ёки аслида мустақил бўлган болалар судларини тузиш амалиёти бўлган³⁰.

1960 йилги собиқ РСФСР ЖПКда илк бора ҳам умуман вояга етмаганларнинг ишлари бўйича иш юритувнинг қоидалари, ҳам ўсмирларнинг жиноятларини дастлабки тергов қилишнинг тартиби батафсил тартибга солинган.

Собиқ РСФСР ЖПКнинг 32-бобини, ундаги бошқа жиноят процессуал нормаларни таҳлил қилиш унда айбланувчи ва гумон қилинувчи вояга етмаганларга нисбатан тергов қилишни олиб боришнинг хусусиятларини белгилаб берувчи ҳуқуқий қоидаларнинг анча тартибли қурилганлигини кузатиш мумкин.

Уларга қуйидаги нормалар киритилган:

- Жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ва жиноят тўғрисидаги материалларни вояга етмаганларнинг ишлари бўйича комиссияга юборишнинг асослари ва тартиби (10-модда);

- Жиноят ишини жиноят тўғрисидаги материалларни вояга етмаганларнинг ишлари бўйича комиссияга юбориш муносабати билан тугатишнинг асослари ва тартиби (8-моддаси);

- айбланувчи ва жабрланувчи вояга етмаганларнинг қонуний вакилларининг доираси (34-моддаси 8-банди);

- вояга етмаган шахсга айб эълон қилиниши пайтидан бошлаб ҳимоячининг ишда иштирок этиши (47-модданинг 2-қисми);

- вояга етмаган айбланувчининг ҳимоячидан воз кечишининг мажбурий бўлмаслиги (5-модданинг 2-қисми);

- вояга етмаганларнинг жиноятлари тўғрисидаги жиноий ишларнинг прокуратура терговчиларининг тергов иш юритувиغا киритилиши (126-моддаси);

³⁰ Как работает Саратовский нарсуд по делам несовершеннолетних // Сов.юстиция. – 1936. - № 1. –Ст. 1; Каранг: Горвиц Д. Рассмотрение дел о несовершеннолетних в Москве // Соц. Законность. -1938. -№ 12. – ст. 82-84. Иикопюк В.В. Суды для несовершеннолетних: история и опыт их организации // Сов. Гос-во и право. – 1991. -№ 5. –Ст. 77-82.

- дастлабки тергов пайтида вояга етмаган гувоҳни сўроқ қилиш тартиби (159-моддаси):

- дастлабки терговни амалга оширишда исботланиши лозим бўлган қўшимча ҳолатларнинг рўйхати (392-модда);

- вояга етмаганларни ушланиши ва қамоққа олиниши учун махсус шартлар (393-модда);

- вояга етмаган шахсни ота-онасининг қарамоғи остига ёки ёпиқ болалар муассасаларининг маъмурияти назорати остига бериш шаклидаги қўшимча эҳтиёт чораси (394-модда);

- айбланувчини терговчининг олдига чақиришнинг тартиби (395-модда);

- катта ёшдагилар билан бирга жинойт содир этишда иштирок этган вояга етмаган шахс тўғрисидаги ишни (имкони борича) алоҳида иш юритувига ажратилиши тўғрисидаги талаб (396-модда);

- педагогни вояга етмаган айбланувчини сўроқ қилишда иштирок этишга жалб қилиш тартиби (397-модда);

- вояга етмаган айбланувчининг қонуний вакилини иш материаллари билан таништиришнинг қоидалари (398-модда)³¹.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, собиқ СССР ва собиқ иттифоқ республикаларининг жинойт ишлари юритувининг асосларига вояга етмаганларнинг жинойтларини дастлабки терговда юритиш босқичига дахлдор бўлган фақат битта ҳуқуқий норма киритилган бўлиб, у бундай ишлар бўйича айблов эълон қилинган пайдан бошлаб ҳимоячининг иштирок этишини белгилаб берган эди (22-модда).

Собиқ иттифоқ даврида Ўзбекистон Республикасининг 1959 йилдаги ЖПК 389-моддасига кўра, вояга етмаганлар ишлари бўйича судда кўриш тартиби бериб ўтилган эди.

³¹ Эргашев.А.// Вояга етмаганлар ҳуқуқларининг ҳимояси: кеча ва бугун// "Ўзбекистонда судьялар корпусини шакллантириш ва улар мустақиллигини таъминлаш масалалари" илмий амалий конференция материаллари тўплами // Т.: ТДЮИ нашриёти// 2012 -Б-88

Собиқ иттифоқ Олий суди Пленумининг 1974 йил 20 сентябрдаги 8-сонли қарорида ҳам бу масалага тўхталиб ўтилган бўлиб, бошқарув мажлисига ўсмирнинг вакиллари, вояга етмаган шахснинг ўқиш жойи ёки иш жойи бўйича ўқув тарбиявий муассасалар ва жамоат ташкилотларининг вакиллари чақиришни тавсия этилган эди.

Вояга етмаганларнинг жиноят ишлари бўйича судгача иш юритишнинг тартибга солиниши борасида жиноий процессуал қонунчиликни ривожланишининг кейинги босқичи шу билан ажралиб турадики, собиқ СССР ЖПК да вояга етмаганларнинг жиноятларини тергов қилиш тартиби тўғрисидаги ихтисослашган норма-қоидаларнинг доираси бир мунча кенгайган. Масалан, 1978 йил 4 парелдаги РСФСР Олий Совети Президиумининг шу йилнинг 1 октябридан қонуний кучга кирган Фармони билан жиноий ишларнинг ушбу тоифаси бўйича дастлабки тергов қилиш ички ишлар органларининг терговчилари ваколатларига киритилган.³² Беш йилдан сўнг РСФСР ЖПКнинг 96-моддасига вояга етмаган гумон қилинувчи ёки айбланувчининг прокурор томонидан унинг қамоққа олиш учун санкция берилиши масаласини ҳал этиш пайтида мажбурий тартибда сўроқ қилиниши тўғрисидаги қоида киритилган.³³

ЖПКда вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларини юритишнинг алоҳида берилиши 1985 йилда БМТ томонидан қабул қилинган вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олишга қаратилган 1985 йилдаги Минимал стандарт қоидалар, 1989 йилдаги БМТнинг бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияси асосида ва бошқа халқаро ҳуқуқий нормалар асосида ишлаб чиқилган. Бу тоифадаги шахсларга нисбатан жиноят ишлари юритишни алоҳида бобда кўрсатилиши қонунларнинг уларга нисбатан алоҳида қоидалар асосида қўлланиши билан боғлиқдир³⁴.

³² Қаранг: Ведомости Верховного Совета РСФСР. – 1978. – № 15. – Ст. 410.

³³ Қаранг: Ведомости Верховного Совета РСФСР. – 1983. – № 32. – Ст.1153

³⁴ Эргашев.А.// Вояга етмаганлар ҳуқуқларининг химояси: кеча ва бугун// "Ўзбекистонда судьялар корпусини шакллантириш ва улар мустақиллигини таъминлаш масалалари" илмий амалий конференция материаллари тўплами // Т.: ТДЮИ нашриёти// 2012 -Б-91

Мустақил Ўзбекистоннинг 1994 йил 22 сентябрдаги Жиноят-процессуал кодексига биринчи марта вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш меъёрлари алоҳида 60-боб қилиб махсус ажратилдики, бу жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, вояга етмасдан жиноят қилган шахсларни ишларини кўришда хатоларга йўл қўймаслик имконини беради. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорида ҳам вояга етмаганлар жиноятлари тўғрисидаги ишларни судда кўришга доир масалаларга тўхталиб ўтилган³⁵.

Жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари вояга етмаганлар иши бўйича комиссиянинг жиноятчиликка қарши курашнинг бой тажрибасидан фойдаланиб, вояга етмаганларнинг одил судловини амалга оширишни, бу ишларнинг муҳимлигини таъкидлаб ўтади ва судлов ишларини юритишнинг қоидаларини белгилайди.

Вояга етмаганларнинг ишлари бўйича иш юритишни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига 1999 йил 1 июнда ва 2001 йил 29 августда киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар натижасида умумий жиноятчиликнинг бир қисми бўлмиш вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликларига қарши кураш амалиёти ҳам ўзгариб, эндиликда асосий эътибор ўсмирлар ҳуқуқбузарликларини огоҳлантириш ишларини амалга оширилишига қаратилмоқда. Судьялар ўсмирлар томонидан содир этилган жиноятлар ҳақидаги ишларни кўриб чиқаётганларида ҳар бир ҳодисага ижтимоий баҳо беришга ҳаракат қилмоқдалар, бу ўз навбатида ўсмирлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун жамоат ташкилотлари, мактаблар, ота-оналарнинг масъулиятларини оширишга ёрдам бермоқда.

³⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами 1991- 2006 йиллар. Т. 2 жилд. 2007. 23 бет.

Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларга алоҳида ёндошишни ҳисобга олиб, қонунга алоҳида тергов ҳаракатларини юритиш билан боғлиқ бир қатор қўшимча қоидалар киритилди. Вояга етмаганларга нисбатан процессуал мажбурлов чоралари қўлланишида ҳам бирмунча афзалликлар яратилган. Уларнинг суд муҳокамасидаги ҳуқуқлари мажмуи ҳам қайтадан кўриб чиқилди.

2000 йил сентябрда вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссия янги асосда ташкил этилди. Улар фаолиятини тадқиқ қилган кўплаб олимлар ўтказган таҳлилларида бу янгиликларнинг юқори самарадорлигини таъкидлаганлар.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 январдаги 13-сон “Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ҳам комиссиялар ваколатларини кенгайтиришга, уларни вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашдаги нуфузини оширишга олиб келди. Умуман олганда, вояга етмаганлар жиноят ишларини олиб бориш тўрисидаги барча қонунларни либераллаштириш жараёнлари жадал суръатлар билан давом этмоқда.

Мустақилликнинг илк йилида қабул қилинган дастлабки қонунлардан бири ҳам айнан ёшлар мавзусига тегишли бўлганлигини таъкидлаш ўринлидир. 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонун³⁶ мамлакатимизда амалга ошириладиган ёшлар сиёсатини белгилаб берди.

Мустақиллик йилларида бола ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофаза қилишга оид 22та қонун, Президентимизнинг 15 та Фармон ва 11 Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 41 та Қарори, 32 та идоравий-меъёрий ҳужжатлар амалга киритилди³⁷.

³⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ахборотномаси. 1992 й, № 2-сон. 80-модда

³⁷ Одинаев А.С. Ўзбекистон Республикасида болалар ҳуқуқлари кафолатлари: дунёвий қонунчилик ва шариат. // Болалар ғайририжтимоий ҳаракатларининг олдини олиш борасидаги долзарб вазифалар ва

Ўзбекистон Республикаси МДХ мамлакатлари ичида биринчилардан бўлиб, 1992 йил 9 декабрда “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияни ратификация қилди ҳамда халқаро ҳамжамият олдида ушбу халқаро ҳужжатнинг барча қоидаларига риоя қилиш мажбуриятини олди. 2008 йилнинг 28 январидagi Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни бола ҳуқуқларини муҳофазасига қаратилган қонунчилик базасини яхлит асосда таркиб топтириш имконини берди.

Шу билан бир қаторда Ўзбекистонда бола ҳуқуқларини ҳар томонлама таъминлаш мақсадида бола ҳуқуқларини ҳимоясига оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, Халқаро Меҳнат Ташкилоти томонидан 1973 йил 26 июнда қабул қилинган “Ишга қабул қилишнинг энг кичик ёши тўғрисида”ги Конвенцияни 2008 йил 4 апрелда, 1999 йил 17 июндаги “Болалар меҳнатининг оғир шакллари таъқиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида”ги Конвенцияни 2008 йил 8 апрелда, 2008 йил 8 июлда БМТнинг “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенциясини тўлдирувчи Одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосини олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақида”ги протоколлар ратификация қилинди ҳамда 2008 йил 11 декабрда “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияга доир “Болалар фоҳишабозлиги ва порнографиясига тааллуқли Факультатив протокол”ги шунингдек, юқоридаги Конвенцияга доир 2008 йил 12 декабрда “Болаларнинг қуролли можароларда иштирокига тааллуқли Факультатив протокол”га қўшилди³⁸.

Шунингдек, мустақилликнинг ўтган даври мобайнида янада такомиллашиб бораётган миллий қонунчилигимизда ҳам бугунги кунда бола ҳуқуқлари, вояга етмаганларга нисбатан одил судловни амалга

устувор йўналишлар. Илмий амалий конференция материаллари. –Т.: “YURIST-MEDIA MARKAZI”, 2010. –Б. 136

³⁸ Умаров Т.А. Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг долзарб муаммолари // Болалар гайририжтимоий ҳаракатларининг олдини олиш борасидаги долзарб вазифалар ва устувор йўналишлар. Илмий амалий конференция материаллари. –Т.: “YURIST-MEDIA MARKAZI”, 2010. –Б. 32

оширишга қаратилган Асосий қонунимиз бўлган Конституциядан бошлаб, Жиноят, Жиноят процессуал, Жиноят ижроия, Фуқаролик, Оила, Меҳнат кодекслари, “Судлар тўғрисида”ги, “Прокуратура тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Републикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги, “Таълим тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги, “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги қонунларнинг³⁹, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 январдаги 13-сон “Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2005 йилдаги “Вояга етмаганлар жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарори каби давлат органларининг идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни кўрсатишимиз мумкин.

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактика қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида 2010 йил 12 августда қабул қилинган “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши мазкур соҳада амалга оширилаётган ишларнинг кенг кўламининг яна бир исботидир.

2. Судларда вояга етмаганлар жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш тушунчаси ва аҳамияти

Суд муҳокамаси жиноят процессининг марказий босқичи ҳисобланади. Бу босқичда жиноят процессининг асосий вазифалари

³⁹ Мўминов А.Р. Вояга етмаганлар одил судлови ва уни Ўзбекистонда ташкил этишнинг ҳуқуқий масалалари //Болалар ғайриижтимоий ҳаракатларининг олдини олиш борасидаги долзарб вазифалар ва устувор йўналишлар. Илмий амалий конференция материаллари. –Т.: “YURIST-MEDIA MARKAZI”, 2010. –Б. 114

юзасидан бир тўхтамга келинади, яъни суд жиноят ишини мазмунан кўриб, ўз ҳукмида шахсни айбдор ёки айбдор эмаслиги, ушбу қилмиши учун жазолаш ёки жазоламаслик масаласини узил-кесил ҳал қилади. Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг суд муҳокамасигача бўлган босқичларида дастлабки айблов юзага келади, жиноят факти бўйича далиллар топилади, текширилади ва уни муҳокама қилиш ҳамда мазмунан ҳал қилиши учун шарт-шароитлар яратилади. Суд муҳокамасидан кейинги босқичларда эса суд қарори текширилади ҳамда йўл қўйилган хато ва камчиликлар бартараф этилади.

Шундан кўриниб турибдики, суд муҳокамасига берилган ваколат жиноят процессининг биронта босқичига берилган эмас. Суд муҳокамасида давлат органи билан судланувчи ўртасидаги низо шахс ва жамият манфаатларидан келиб чиқиб ҳал этилади. Агар судланувчининг айби судда текширилган ва баҳоланган далилларга асосан тўла тасдиғини топса, уни айбдор деб эълон қилинади ҳамда республика номидан қилмишига яраша жазоланади, жазони ўтагандан кейин ҳам маълум вақтгача судланган деб топилади ва аксинча судланувчининг айби исботланмаса у оқланади ва кўрган зарарлари қопланади. Демак бу босқичга шахс тақдирини ҳал қилишдек муҳим вазифа юклатилган. Шундай экан биронта хато ва камчиликларга йўл қўйилмаслиги учун суд муҳокамасига жуда катта талаблар қўйилган ва қонун билан кафолатланган⁴⁰.

Суд жазоловчи орган эмас, судга ишонч, ҳурмат ва эътиқод бўлиши учун у низои жуда катта маҳорат ва адолат билан ҳал қилиши лозим.

Бунинг учун айблов ва ҳимоя тарафидаги ваколат мутлақо тенглаштирилиши ва тортишувчилик асосида, процесс

⁴⁰ Иноғомжонова З. Ф. таҳрири остида “Жиноят процесси” дарслик//Махсус қисм. “Янги аср авлоди” нашриёти //Т.:Адолат. 2008 й. Б-64.

иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари таъминланган ҳолда, жиноят иши мазмунан кўрилиб, бир хулосага келиниши керак⁴¹.

Шунинг учун ҳам қонун суд муҳокамасига бир неча шартлар қўйган. Бу шартларнинг биронтасини бажармаслик ёки етарли даражада бажармаслик, суд ҳукмига шубҳа билан қарашга олиб келади.

Ўз-ўзидан маълумки, қонунга хилоф, асослангирилмаган, адолатсиз ҳукмнинг қабул қилиниши нафақат суд ҳокимиятини нуфузига қолаверса, давлат ҳокимияти шаънига ҳам путур етказди. Шундай экан, одил судловни амалга оширишда ягона орган бўлган судлар қонунда белгиланган суд муҳокамасининг умумий шартларига қатъий амал қилишлари шарт. Ушбу қоидалар вояга етмаганлар жиноят ишларини судда кўришда ҳам бирдек амал қилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексида вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш тартиби алоҳида бобда кўрсатилган бўлиб, ривожланган хорижий мамлакатларнинг жиноят процессуал қонунчилигига мос келади.

Вояга етмаганлар деб, Конституция ва бошқа қонунларда кўрсатилган фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бажариш учун белгиланган ёшга тўлмаган шахслар назарда тутилади. Бу тоифадаги жиноят ишларини юритиш қонуннинг алоҳида бобида кўрсатилган, чунки уларга нисбатан ўзга меъёрлар қўлланилади. 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахсларда бир томондан етуқлик аломатлари, яъни уларда мустақилликнинг шаклланиши, ўзини тута билиш ва идора қилиш намоён бўлса, иккинчи томондан ижтимоий улғайишнинг давом этаётганлиги (мактаб ёки бошқа билим даргоҳида ўқишни давом эттириши, жамиятда ўз ўрнини топишга интилиши, муомала лаёқатини ривож) кўринади.

Вояга етмаганларнинг жиноят ишларини судда кўриш - бу 18 ёшга тўлмасдан жиноят содир этиб, жиноят иши айблов хулосаси билан судга чиқарилган шахснинг қилмишини ҳар тарафлама, синчковлик билан,

⁴¹ Иноғомжоновна З. Ф. таҳрири остида “Жиноят процесси“ дарслик//Махсус қисм. “Янги аср авлоди“ нашриёти //Т.:Адолат. 2008 й. Б-64.

конунда кўрсатилган асослар бўйича, адолатли кўриб ҳал қилиш деб таъриф беришимиз мумкин.

Вояга етмаганларнинг жиноят ишларини судда кўриш бир қатор хусусиятлари билан жиноятларни умумий судда кўришдан фарқланади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 19-моддасига кўра қуйидаги ҳолатларда суд муҳокамаси ёпиқ суд мажлисида ўтказилади:

1) Давлат сирларини кўриқлаш манфаатларига зид келадиган; ишлар, 2) жинсий жиноятлар тўғрисидаги ишлар; 3) ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишлар; 4) фуқароларнинг шахсий ҳаётига оид маълумотларни ёки уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган маълумотларни ошкор қилмаслик мақсадида иш ёпиқ суд мажлисида кўрилади; 5) жабрланувчи, гувоҳ ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг, худди шунингдек уларнинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларининг хавфсизлигини таъминлаш тақозо этган ҳолларда суд уларнинг илтимосларига кўра ажрим чиқариб, ишни ёпиқ, суд мажлисида кўради⁴².

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишларни, шунингдек фуқароларнинг шахсий ҳаётига оид маълумотларни ёки уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган маълумотларни ошкор қилмаслик мақсадида жабрланувчининг, гувоҳнинг ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг, худди шунингдек уларнинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларининг хавфсизлигини таъминлаш тақозо этган ҳолларда бошқа ишларни ҳам суд томонидан ажрим чиқариб, ёпиқ суд мажлисида кўришга йўл қўйилади.

Вояга етмаганларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишлар судда ёпиқ тарзда кўрилиши унинг тарбиясига, ҳулқига, унинг ёш эканлигига, айбланувчи тўғрисидаги маълумотлар тарқалиб кетмаслигига ҳамда унинг тарбиясига салбий тасир ўтказмаслиги учун хизмат қилади.

⁴² Иноғомжонова З. Ф. таҳрири остида “Жиноят процесси“ дарслик//Махсус қисм. “Янги аср авлоди“ нашриёти //Т.:Адолат. 2008 й. Б-65.

Бу борада вояга етмаганларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишларни судда кўришда “Пекин қоидалари»да шундай дейилади: “Вояга етмаганларга кераксиз ошкоралик туфайли зиён етишидан ёхуд улар обрўсига путур етказишдан сақланиш учун балоғатга етмаган болаларнинг махфийликка тааллуқли ҳуқуқи барча босқичларда ҳурмат қилиниши зарур. Принципга кўра, балоғатга етмаган ҳуқуқбузар боланинг кўрсатишга сабаб бўладиган бирор-бир ахборот чоп этилмаслиги керак” (8-м.) эканлиги ҳам белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, “Пекин қоидалари”: “Вояга етмаган ҳуқуқбузарларнинг ишларига доир маълумотлар қатъий сир сақланиши ва учинчи шахсларга берилмаслиги”ни талаб қилади. ЖПКда бевосита бундай ишларни ҳал қилиш ва уларга оид материаллар билан танишиш ҳамда фойдаланиш билан шуғулланадиган шахслар доираси белгиланмаган. Шундай қилиб, вояга етмаганларнинг ишларини тергов қилиш ва суд муҳокамасини махфийлиги ҳуқуқий таъминотга муҳтож.

Пекин қоидаларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг (Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича Европа Конвенцияси) ушбу масалага доир умумий қоидалар акс эттирилган бўлиб, вояга етмаганлар жиноятларининг олдини олишда ёшларга муносиб турмуш шароитини яратиш ва уларнинг тарбиясида муҳим ўрин тутиши таъкидланган.

Ушбу қоидаларда вояга етмаганларнинг жиноят ишларини юритиш ҳар бир давлатнинг миллий жиноят процессининг бир қисми бўлиб, унда барча вояга етмаганларнинг ижтимоий тенглигини таъминлаш, ёшларни ҳимоя қилиш ва жамиятда тартибни сақлаш вазифалари биргаликда ҳал қилиниши кўрсатилган. Пекин қоидалари турли ҳуқуқ тизимларини ҳисобга олиб ишлаб чиқилган, шу билан бирга, унда вояга етмаган ҳуқуқбузарлар билан муомала қилишнинг минимал стандартлари, жиноий

жавобгарликка тортиш ёши жуда ҳам кичик бўлмаслиги кераклиги белгиланган.

Бундай тоифадаги шахсларнинг жиноят ишлари бўйича махфийлик (ишни ёпиқ суд мажлисида кўрилиши) таъминланиши шарт. Зарурат бўлмаган ҳолда вояга етмаганларнинг жиноятларига оид маълумотлар ошкор қилиниши мумкин эмас. Пекин қоидаларида суд муҳокамасида вояга етмаганларнинг ишлари бўйича махфийлик сақланиши қоидасини мажбурий универсал принцип сифатида жиноят процессининг вояга етмаганларга оид барча босқичларига жорий қилишга уринишлар мавжуд.

I боб бўйича хулосалар

Ушбу боб бўйича хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, вояга етмаганлар жиноятлари тўғрисидаги ишларни судда кўриш бир қатор тадрижий босқичлардан ўтиб келган. Унинг Ўзбекистон Республикасида ривожланиши аввалига шариат қонунлари асосида тартибга солинганлиги, кейинчалик Чор Россияси босқинидан сўнг бутунлай бошқача тартиб жорий қилинганлигини унинг ўзига хос хусусиятларидан бири сифатида қайд этишимиз мумкин.

Бундан ташқари, вояга етмаган судланувчиларга нисбатан уларнинг жиноят ишларини судда кўришда бир қатор қўшимча имтиёзлар яратилганлигини кўришимиз мумкин. Шулар билан бир қаторда, “Пекин қоидалари”: “Вояга етмаган ҳуқуқбузарларнинг ишларига доир маълумотлар қатъий сир сақланиши ва учинчи шахсларга берилмаслиги”ни талаб қилади. ЖПКда бевосита бундай ишларни ҳал қилиш ва уларга оид материаллар билан танишиш ҳамда фойдаланиш билан шуғулланадиган шахслар доираси белгиланмаган. Шундай қилиб, вояга етмаганларнинг ишларини тергов қилиш ва суд муҳокамасини махфийлиги ҳуқуқий таъминотга муҳтож.

II БОБ. СУДЛАРДА ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖИНОЯТЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАР КЎРИЛИШИНING ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

1. Вояга етмаганларнинг жиноят ишларини судда кўришда исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатлар

Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларини юритиш Жиноят-процессуал кодексда (кейинги ҳолларда ЖПК) алоҳида боб билан тартибга солинади.

Вояга етмаганлар жиноятлари тўғрисидаги ишларни судда кўришда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 82-84-моддаларида кўзда тутилган жиноят таркибини акс эттирувчи ва вояга етмаганларнинг жавобгарлиги даражасига таъсир этувчи ҳолатлар ҳам эътиборга олиниши керак.

Ҳозирги вақтда вояга етмаганлар ишлари бўйича исботлаш предметини шарҳлаш юзасидан умум эътироф этилган ягона нуқтаи назар мавжуд эмас. Бу эса, муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган ушбу масалани тадқиқ қилиш заруриятини вужудга келтиради.

Исботлаш предметининг таркиби қуйидаги кўринишида бўлади:

- умумий: барча турдаги жиноят ишлари бўйича “ягона” исботлаш предмети (ЖПК 81-модда);
- махсус: вояга етмаганлар ишлари бўйича ихтисослашган исботлаш предмети (ЖПК 548-моддаси);
- алоҳида: вояга етмаганларнинг айрим жиноятлари бўйича жузъий исботлаш предмети⁴³.

Вояга етмаганларнинг жиноят ишлари бўйича исботлаш предметининг таклиф этилган бу кўриниши ўзига хослиги жиҳатидан икки даражада - махсус ва алоҳида даражаларда намоён бўлади. Махсус даражада исботлаш предметини таҳлил қилиш одатда чекланган тарзда

⁴³ Ирсалиев А. Вояга етмаганларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишлар юзасидан биринчи инстанция судларида юритиш. -Т.: ТДЮИ, 2003. –Б.8..

бўлади ва асосан фақат вояга етмаганлар жиноят ишлари бўйича иш юритишга тегишли қонунда ажратиб кўрсатилган махсус жиҳатларнигина ўз ичига олади (ЖПК 548-модда).

Алоҳида даражага келсак, бу ерда исботлаш предметининг хусусиятларини тадқиқ қилиш амалий аҳамиятга эга бўлади. Шу муносабат билан дастлабки терговдаги ва суд муҳокамасидаги исботлаш предметининг айнанлигини таъкидлаш шарт. Бошқача айтганда, судда аниқланиши лозим бўлган барча ҳолатлар дастлабки терговда ҳам аниқланиши лозим. Шунга кўра, адабиётда учрайдиган тавсиялар - суд мажлисида дастлабки терговда вояга етмаганнинг шахсини, унинг тарбияси шароитларини ўрганиш бўйича йўл қўйилган камчиликларни тўлдириш⁴⁴ - қўшимча шарт билан берилиши лозим.

Умуман олганда, вояга етмаганнинг жавобгарлик даражасини белгилашда зарур бўлган бундай нуқсон дастлабки терговнинг жиддий камчилиги деб ҳисобланиши керак. Бундай ҳолда ишни қўшимча терговга қайтаришга ҳам сабаб бўлиши лозим. Унинг олдини олиш учун вояга етмаганлар ишлари бўйича исботлаш предметининг хусусиятлари чуқур ўрганилиши лозим. Вояга етмаганларнинг ишлари бўйича исботлаш предметининг хусусиятлари судьялар ва терговчилар томонидан синчковлик билан кўриб чиқилиши лозим.

Жиноят процессида жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлашга тобора кўпроқ аҳамият берилмоқда.

Вояга етмаган шахснинг ҳаёт ва тарбия шароитлари, ижтимоий камол топишининг мазмуни ва суръати оилада ҳал бўлади.

Шунга кўра жиноят қонунида вояга етмаганларнинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ҳолатларнинг батафсил рўйхатини махсус белгилаш зарур. Бу ҳақда тегишли нормани ЖК 55-модда “ж” бандига қўшимча тарзда бериш ва унга бошқа ҳолатлар билан бирга

⁴⁴ Мельникова Э.Б. Профилактика безнадзорности детей и подростков // Правозащитник. 1999.- № 2-бет.

турмуш ва тарбияланишнинг ёмон шароитларини киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди⁴⁵. Биз ҳам ушбу фикрга қўшиламыз.

Чунки оғир шароитларда тарбияланган боланинг тарбияси ҳам оғир бўлиб, жиноят содир этишга мойиллик пайдо бўлиши, жамиятга, одамларга нисбатан нафрат уйғониши ва келгусида жиноятлар содир этиши хавфи юқори бўлиши мумкин. Бунга амалиётдан мисоллар келтирсак: вояга етмаган К. 2012 йил декабр охи охирида ўзи ўқийдиган коллеж биносида бўла туриб, босқинчилик, яъни ўзганинг мулкини талон-тарож қилиш мақсадида, ўзи билан олиб келган пичоқни шу коллежнинг талабаси жабрланувчи Ф.га тираб, унга зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб, унинг қўлида бўлган нархи 100.000 сўмлик телефон аппаратини талон-тарож қилиб воқеа жойидан яширинган.

Судья томонидан унинг ўзини оқлаш учун келтирган важлари, яъни, турмуш шароити яхши эмаслиги, уйда уриш-жанжал, нотинчликлар бўлганлиги учун кўчага чиқиб жахл устида кимдан аламини олишни билмай шу ишни амалга оширганлиги ва бошқа важлари эътиборга олинмаган ҳамда ўзини оқлаш учун қилинаётган важлар сифатида баҳоланган ва 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланган⁴⁶. Ваҳоланки, судланувчи К.нинг важлари текширилиб кўрилиши, агар асосли бўлса ушбу ҳолат унга нисбатан енгиллаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланиши мумкин эди.

Агар қонунчиликка юқоридаги ўзгартиш киритилса вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари янада ҳимояланган бўлар эди.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар мажмуида қонун чиқарувчи вояга етмаганларнинг ёшини биринчи ўринга қўйган (ЖПК 548-модда 1-банди). Бундай урғу бериш бежиз эмас. Айбланувчининг ёшини аниқлаш фақат процессуал жиҳатга эга бўлмай, балки моддий ҳуқуқнинг қатор масалалари, жумладан, жиноий

⁴⁵ Ирсадиев А. Вояга етмаганларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишлар юзасидан биринчи инстанция судларида юритиш. -Т.: ТДЮИ, 2003. –Б.11.

⁴⁶ Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтохур туман суди амалиётдан// Т.: 2013й

жавобгарлик асосларининг мавжудлиги, жиноий жазоларнинг айрим турларини қўллаш мумкинлиги, жазони енгиллаштирувчи ҳолатларга оид масалаларни ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Вояга етмаган айбланувчининг ёши тўғрисидаги маълумотлар иш юритишда муҳим ўринни эгаллайди. Чунки қонун бўйича жавобгарликка вояга етмаганлар 16 ёшдан, баъзи ҳолларда эса 14 ёшдан тортилиши кўзда тутилган. Бу ёш турли мамлакатларда турлича белгиланган. Россияда 14 ва 16, Францияда 13 ва 16, Англияда 12 ва 17, Германияда 14 ва 17, АҚШда эса штатларнинг қонунларига мувофиқ равишда 10 ва 17. Шунинг учун уларнинг ёши паспорт бўйича, у бўлмаса туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки унинг нусхаси орқали аниқланиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 5 – бандида таъкидланишича, “Судлар ЖПКнинг 548-моддасига кўра вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар қаторига ёшини ва шахсини аниқлашлик ҳам киришини назарда тутишлари зарур. Айни вақтда, шу нарсани эътиборда тутиш керакки, шахс туғилган кунидан бошлаб эмас, балки туғилган куни ўтганидан сўнг, яъни эртаси куннинг нол соатидан бошлаб жиноят учун жавобгарлик бошланадиган ёшга тўлган деб ҳисобланади.

Судлар ишда албатта вояга етмаганларнинг туғилиш гувоҳномаси ёки паспортдан фотонусха мавжудлигига аҳамият беришлари керак. Ишда бундай ҳужжатлар йўқлиги аниқланган тақдирда суднинг ўзи бундай камчиликни бартараф қилиши зарур.

Судланувчининг ёши суд-тиббиёт экспертизаси томонидан аниқланаётганда, унинг туғилган куни деб, экспертлар аниқлаган йилнинг охириги куни ҳисобланади. Ёш энг кам ва энг кўп йиллар миқдори билан

аниқланганда, суд экспертлар томонидан белгиланган энг кам ёшдан келиб чиқиши лозим⁴⁷.

Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларнинг яна бири вояга етмаганнинг унинг ижтимоий руҳий ҳолатидан келиб чиқадиган шахсига хос хусусиятларни аниқлашдан иборатдир. Буни вояга етмаганнинг ҳаётий тажрибасизлиги, бирон одамга ўхшашга, тенгдошлари орасида ўзини устун кўйишга интилиши, ўта таъсирчанлиги, ҳурмат-эътибор қозонишни хоҳлаши, кайфиятининг кескин ўзгариб туриши, ўйламасдан ҳаракатлар қилиши, воқеаларни ўз дунёқараши жиҳатидан қабул қилиши ва ҳуқуқий жиҳатдан чекланган лаёқат мақоми билан таърифлаш мумкин. Вояга етмаганлар ишларини судда кўришда судья улар билан руҳий яқинлик яратиши лозим.

Вояга етмаганларнинг жиноят ишлари юритишда уларнинг ижтимоий-руҳий ҳолатларини ҳисобга олиш эътиборга моликдир. 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахсларда бир томондан етуклик аломатлари, яъни уларда мустақилликнинг шаклланиши, ўзини тута билиш ва идора қилиш намоён бўлса, иккинчи томондан уларда ижтимоий улғайишнинг давом этаётганлиги (мактаб ёки бошқа билим даргоҳида ўқишни давом эттириши, жамиятда ўз ўрнини топишга интилиш, муомала лаёқатини ривож) кўринади.

Вояга етмаганнинг саломатлиги ҳақидаги маълумотларни уни даволаган шифокорлар, касалхона ва поликлиникаларда юритилган расмий ҳужжатлардан олиш зарур бўлади. Саломатлик тўғрисидаги хабарларни вояга етмаганнинг ота-онаси, қонуний вакиллари, кўшнилари, танишлари ва унга яқин бўлган шахслар ҳам беришлари мумкин.

Исботланиши лозим бўлган ҳолатлардан яна бири вояга етмаганнинг турмуш ва яшаш шароитларини аниқлашдир. Бунда вояга

⁴⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами 1991- 2006 йиллар. Т. 2007. 25 бет.

етмаганнинг ота-онаси ёки уларнинг қонуний вакиллари тўғрисидаги барча маълумотлар илова қилиниши лозим (уларнинг маълумоти, мутахасислиги, ташкилотчилиги, маънавий хусусиятлари, бир-бирига, фарзандларига бўлган муносабатлари, боланинг ота-онасига бўлган муносабати, хурмати, уни тарбиялашдаги иштироки).

Вояга етмаганнинг моддий аҳволи (оиланинг моддий-хўжалик аҳволи, вояга етмаганнинг мулки, унинг маоши миқдори) унинг маълумоти ҳақидаги ахборотлар ҳам эътиборга олинади (қаерда ўқиши, қобилияти, баҳолари, ўқишга муносабати, катталарга, раҳбариятга, оиласига, тенгдошларига муносабатлари). Шунингдек, вояга етмаганнинг алоқалари, бўш вақтини ўтказиш муҳити, унинг қизиқиш доиралари, маҳаллада ва уйда ўзини тутиши, қандай уюшмаларга аъзолиги, жинойий қилмиш содир қилишдан аввал қандай ҳуқуқбузарликлар содир этгани, унга нисбатан қандай чоралар қўлланилгани ва бу чоралар қандай натижаларга олиб келгани тўғрисидаги маълумотлар аниқланади. Агар вояга етмаган шахс ҳеч қаерда ўқимаса ёки ишламаса, бунинг сабаблари ҳам ўрганилиши керак⁴⁸.

Бундан ташқари, вояга етмаганинг салбий ҳулқли характерининг шаклланиши манбаи бўлиб, мактаб лицей ва бошқа ўқув муассасалари ҳисобланиб, судда бу ҳолатларни ҳам эътиборга олиш лозим дейди, В.И.Омигов⁴⁹.

Вояга етмаганларда жамиятга қарши бўлган дунёқараш ва кўникмалар қандай шароитларга асосан пайдо бўлгани, яъни нотўғри тарбия, жамиятга қарши бўлган шахсларнинг таъсири, салбий намуна оқибатлари, жиноятни содир этишда айнан вояга етмаганлар ёшига мансуб бўлган сабаблар борлиги кабилар аниқланади.

Аниқланиши лозим бўлган шароитлардан яна бири вояга етмаганнинг алоқалари, бўш вақтини ўтказиш муҳити, унинг қизиқиш

⁴⁸ Ҳамидова М. Ўзбекистон Республикасида ювенал юстициянинг шаклланиши// монография// Т.: Тошкент 2012/- Б-53

⁴⁹ Омигов В.И. Преступность несовершеннолетних: ее характеристика. Вопросы ювенальной юстиции. 2012. №3 (41).-Б.14.

доиралари, маҳаллада ва уйда ўзини тутиши, қандай уюшмаларга аъзолигини аниқлашдир. Вояга етмаганни жиноий қилмиш содир қилишдан аввал қандай ҳуқуқбузарликлар содир этгани, унга нисбатан қандай чоралар қўлланилгани ва бу чоралар қандай натижаларга олиб келгани тўғрисидаги маълумотлар ўрганилиши лозим. Бундан ташқари, агар вояга етмаган шахс ҳеч қаерда ўқимаса ёки ишламаса, бунинг сабаблари ҳам ўрганилиши керак.

Вояга етмаганларда жамиятга қарши бўлган дунёқараш ва кўникмалар қандай шароитларга асосан пайдо бўлгани, яъни нотўғри тарбия, жамиятга қарши бўлган шахсларнинг таъсири, салбий намуна оқибатлари, жиноятни содир этишда айнан вояга етмаганлар ёшига мансуб бўлган сабаблар борлиги (майда нарсаларни ўғирлаш, ўзини кўрсатиш учун машина ёки маторциклни олиб қочиш) кабилар аниқланади.

ЖПК 548-моддасида назарда тутилган вояга етмаганларнинг жиноятларини сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар Ўзбекистон Республикаси ЖПК 296-моддаси билан бир хилдир. Шу билан бирга, мазкур моддаларнинг матнида оқилона асосга эга бўлган тахририй ўзгариш, маълум терминологик фарқ ҳам бор.

Жумладан, қонунда “ҳолатлар” ўрнига аниқ “сабаблар ва шарт-шароитлар” тушунчаларининг қўлланилиши исбот қилишнинг бу элементини чуқурроқ ва жиддий ўрганишга йўналтиради. Жиноят ишлари материалларини ўрганиш давомида шу нарса аён бўлдики, вояга етмаганлар содир этган жиноятларнинг анча қисми катта ёшлилар таъсирида, ёки бевосита улар иштирокида содир этилади⁵⁰.

Катта ёшдагилар, айниқса қамоқ жойларидан келган шахслар кўп ҳолларда ўзларининг жиноий ўтмишлари тўғрисидаги ҳикоялари билан ўсмирларда қизиқиш уйғотадилар, ҳатто жиноят содир этиш истагини пайдо қиладилар. Баъзан катта ёшдагилар вояга етмаганларга жиноят содир этиш усулларини ўргатадилар, улар жиноий ҳаракатлар қилишга

⁵⁰ Ирсалиев А. Вояга етмаганларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишлар юзасидан биринчи инстанция судларида юритиш. -Т.: ТДЮИ, 2003. –Б.12.

даъват қиладилар ёки биргаликда жиноят содир этадилар. Бундай “фаолият” ўсмирларнинг маънавий тарбияланишига жиддий путур етказди ва катта ижтимоий хавф туғдиради.

Айрим олимлар вояга етмаганлар жиноятчилигининг сабаблари жумласига қуйидагиларни киритади: яшаш, ўқиш ёки иш жойидаги муҳитнинг салбий таъсири; ўқишни ташлаб кетган ўсмирлар узоқ вақт муайян иш билан шуғулланмаслиги; ўсмирнинг нотўғри тарбияланишини белгиловчи шарт-шароит омиллари; ёши катта жиноятчиларнинг далолатчилиги; зўравонлик ва қонунсизликни ифодаловчи китоблар ва фильмлар таъсири. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг омиллари сифатида қуйидагилар қайд этилади: назоратсизлик; умумий таълим мактаблари ва коллежларда таълим-тарбия ишларида мавжуд камчиликлар; ишга жойлаштиришда ҳамда ишлаб чиқаришда тарбия ишларини ташкил этишда мавжуд камчиликлар; маданий ҳордиқ чиқаришни ташкил этишдаги камчиликлар; вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш ҳамда унга қарши бевосита кураш олиб бориш вазифалари зиммасига юкланган органлар фаолиятидаги камчиликларни⁵¹.

Вояга етмаганлар жиноятчилигига барҳам беришда катта ёшдагиларнинг вояга етмаганларда ғайриижтимоий қарашларнинг шаклланиши ва жинойий мойилликларнинг пайдо бўлишига имкон берувчи хатти-ҳаракатларига қарши курашни тўғри ташкил этиш муҳим жиҳат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 8-бандида берилган тушунтиришда “Агар вояга етмаган шахснинг жиноят содир этишига катта ёшдагиларнинг, шу жумладан иш юзасидан жабрланувчи деб эътироф этилган шахсларнинг ғайриқонуний ёки ёмон хулқ-атвори сабаб бўлган бўлса, суд бу ҳолатни жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб эътироф этиши,

⁵¹ Абдурасулова Қ.Р. Криминология –Т.: ТДЮИ. 2008. –Б. 157.

шунингдек зарур ҳолда қайд этилган шахсларнинг иш ёки яшаш жойларига хусусий ажрим чиқариб муҳокама қилишга юбориши лозим”, - дейилади⁵². Бу тушунтириш ЖПК 548-модда 4-бандида белгилаб қўйилган исботлаш предмети элементини аниқлаш нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эгадир.

Вояга етмаган шахсга жиноят содир этишда иштирок этишнинг таклиф қилишнинг ўзиёқ ЖКнинг 127-моддасида кўзда тутилган жиноят таркибини ташкил этади. Шу муносабат билан аён бўладики, ЖПК 548-модда 4-бандига кўра катта ёшли далолатчиларнинг мавжудлигини исботлаш ўз мазмунига кўра вояга етмаган шахснинг жавобгарлигини ва унга нисбатан жазо чораси қўллашни индивидуаллаштириш доирасидан, ҳатто профилактика вазифалари доирасидан ҳам четга чиқиб кетади⁵³. Катта ёшли далолатчиларнинг иштирокини исботлаш вояга етмаган иштирокчининг жиноий қилмишини таҳлил қилиш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, бу ҳолда гап фақат ЖК 56-моддаси 7-бандида кўрсатилган ҳолатлар ёки ЖКнинг 127-моддасида кўзда тутилган катта ёшли шахснинг вояга етмаган шахсга бўлган жиноий алоқасининг турли шаклларига боғлиқ жавобгарликни белгиловчи ёки унинг даражасига бевосита таъсир этувчи таркиб ҳақида кетмайди. ЖПК 548-модда 4-бандида кўзда тутилган исботлаш предмети элементи катта ёшли иштирокчининг айбдорлигини вояга етмаганларга тегишли бўлмаган таркиблар (ЖК 31, 171, 241, 249-моддалари) бўйича белгилаш учун квалификацияга таъсир қилувчи белгиларни аниқлашни ҳам назарда тутуди⁵⁴.

⁵² Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами 1991- 2006 йиллар. Т. 2 жилд. 2007. –Б.26.

⁵³ Бабаев М.М. Индивидуализация наказания несовершеннолетних. –М.: Юридическая литература, 1968. –Б.73.

⁵⁴ Ирсадиев А. Вояга етмаганларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишлар юзасидан биринчи инстанция судларида юритиш. -Т.: ТДЮИ, 2003. –Б.14.

Амалиётда жиноятни содир этиш ташаббускори вояга етмаган шахс бўлиб, жиноятда катта ёшли шахснинг вояга етмаган шахс билан биргаликдаги иштироки кузатилган ҳоллар ҳам учрайди. Бундай ҳолларда ЖК 127-моддасида кўзда тутилган жиноят таркиби ҳам, ЖК 56-моддасида кўзда тутилган оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳам йўқ. Бироқ амалда катта ёшдагиларнинг мазкур фаолияти катта ижтимоий хавф туғдиради, яъни катта ёшли шахс жиноят содир қилиш ниятини амалга оширишда вояга етмаган шахсдан фойдаланади.

У вояга етмаган шахсда ўз ҳаракатларига ишончни ва жиноят содир этишга интилишни мустаҳкамлайди, вояга етмаган шахсда жиноятни амалга оширишга бўлган журъатни оширади. Адабиётларда тўғри таъкидланганидек, ўсмир ташаббускор бўлган жиноятда катта ёшдаги шахснинг иштироки ўсмирга салбий сифатларни сингдириш, жиноий тажрибасини ўтказиш ва жиноятни содир этилишини анча енгиллатиш нуқтаи - назаридан катта хавфни юзага келтиради.

Афсуски, ўсмирнинг меъёрида маънавий камол топишга зарар етказувчи катта ёшдаги шахснинг вояга етмаганларнинг жиноятларида бундай иштирок этиши ЖК 127-моддаси билан ҳам, 57-модда “ж”- банди билан ҳам малакаланиши мумкин эмас. Бироқ ушбу ҳаракатлар катта ижтимоий хавфни юзага келтирадигани, уларни мустақил ҳолда катта ёшдаги шахснинг жавобгарлигини оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаш ва ЖПК 548-модда 4-бандида кўрсатилган ҳолатларни аниқлашда албатта ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Вояга етмаган шахснинг жиноятида катта ёшдаги шахснинг иштирок этишини оғирлаштирувчи ҳолат сифатида тавсифлаш вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши кураш мақсадларига тўла мос келиб, айрим ҳолларда эса судларга ЖПКнинг 548-моддаси 4-бандида ифодаланган исботлаш муаммоларини тўғри изоҳлашга ёрдам беради. Юқорида баён этилганлардан кўриниб турибдики, барча ҳолларда ЖПКнинг ушбу моддаси жиноят таркиби схемасини ифодаламайди.

Бу ҳолатларни ижобий тарзда аниқланиши нафақат вояга етмаган айбланувчи учун, балки жиноий қилмишга дахлдор ҳар қандай шахс учун ҳам муҳим моддий ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқаради. Шу муносабат билан қонун талаб қилганидек, ҳар бир муайян ҳолатда фақат “катта ёшдаги далолатчилар ва бошқа иштирокчиларнинг бор-йўқлиги”ни эмас, шунингдек ҳар бирининг айби ва мақсадларини аниқлаш заруриятлари тўғрисидаги таклифни олдинга суриш мақсадга мувофиқдир⁵⁵.

Биз ҳам ушбу фикрга қўшилган ҳолда айтишимиз мумкинки, иштирокчиликда содир этилган жиноятларда ҳар бирининг айби ва мақсадларини аниқлаш уларга нисбатан жазо тайинлашда, хусусан, вояга етмаган шахсга нисбатан оғирроқ жазо белгиланмаслиги учун муҳимдир.

Жиноят иши бўйича аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар мажмуида жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори муҳим аҳамиятга эга.

“Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича исбот қилиш предметининг хусусиятлари бўлиб мулкӣ зиённинг белгиланиши билан бир қаторда ўсмирга нотўғри тарбия бериш орқали етказилган маънавий зиённинг даражасини аниқлаш назарий ва амалий аҳамиятга эгадир”⁵⁶.

Бу борада амалиётдан мисол келтирадиган бўлсак, жиноят ишлари бўйича судининг 2013 йил 25 июл кунидаги ҳукмига кўра, вояга етмаганлар Д., Б. ва Ш. ларга нисбатан кўрилган Ўзбекистон Республикаси ЖК 164-моддаси 2-қисмининг “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилиб, қуйидагиларга эътиборга олиниши назарда тутилган.

ЖПКга мувофиқ, вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар алоҳида тоифадаги жиноят ишлари жумласига кириб, судлар томонидан мазкур тоифадаги ишларни кўришда айрим процессуал ва

⁵⁵ Ирсадиев А. Вояга етмаганларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишлар юзасидан биринчи инстанция судларида юритиш. -Т.: ТДЮИ, 2003. –Б.14.

⁵⁶ Преступность и профилактика поведения молодежи. -Ростов-на-Дону: 1996. –Б. 25.

моддий қонун талабларини бузиш ҳолларига йўл қўйилмаслик, шунингдек, вояга етмаганларнинг жиноят содир этишига имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни лозим даражада аниқлаш ва уларни бартараф қилиш чоралари кўрилиши лозимлиги.

Юқоридаги жиноятни содир этилишининг сабабларидан бири судланувчиларнинг назоратсиз қолганлиги, бўш вақтида бирон бир фойдали иш билан машғул бўлмаганликлари натижасида келиб чиққан.

Шу сабабли қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда, келгусида яна бошқа жиноятларни содир этмасликлари учун суднинг ҳукмида синов муддати даврида судланувчиларга ўқишни яқунлаш ва спорт тўғаракларига қатнашиш мажбуриятини юклаш лозимлиги белгиланса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ота-оналар ва бошқа тарбиячиларнинг ўз бурчларини бажармаганликлари оқибатига баҳо бериш ўсмир содир этган жиноятнинг сабаблари ва шарт-шароитлари тавсифини очиш имкониятини беради.

Шу билан бир қаторда бу ҳолатларнинг яна бир ўзига хос аҳамиятини таъкидлаш мумкин: улар процесс давомидаёқ ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар вояга етмаган шахс тарбиясини давом эттиришлари изчил ёки қийин эмаслиги тўғрисида хулоса чиқаришга имкон беради. Фикримизча, вояга етмаганлар ишлари бўйича фуқаровий даъвога ўсмирни унга маънавий жиҳатдан салбий таъсир кўрсатаётган муҳитдан дарҳол ажратишни талаб қилиш масаласини ҳам киритиш мақсадга мувофиқ⁵⁷.

Вояга етмаганларнинг жиноят ишларини исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатларга нисбатан ЖПК 81-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган “ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатлар” катта қизиқиш уйғотади. Қонунда “бошқа ҳолатлар” атамасининг маъноси ёритиб берилмаган. Амалиётда айбланувчи шахсини ўрганиш ҳақидаги масалани умумий тарзда қўйиш эса, бундай

⁵⁷ Ирсалиев А. Вояга етмаганларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишлар юзасидан биринчи инстанция судларида юритиш. -Т.: ТДЮИ, 2003. –Б.16.

ҳолатларнинг маълум доирадаги мезонларининг кўплигидан дарак беради⁵⁸.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича ЖПК 81-моддаси иккинчи қисмидаги “бошқа ҳолатлар”нинг маъноси қуйидагилардир:

а) вояга етмаганнинг жисмоний, ақлий ва руҳий ривожланиш хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар;

б) вояга етмаганнинг хулқ-атвори тўғрисидаги маълумотлар, хусусан унинг илгариги ҳуқуқбузарликлари ва шу муносабат билан унга нисбатан қўлланилган чоралар ҳақидаги маълумотлар⁵⁹.

Хулоса қилиб айтганда, ЖПК 548-моддасига қуйидагича банд киритишни таклиф қиламиз: "Дастлабки тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамаси даврида вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича, ушбу Кодекснинг 82 — 84-моддаларида кўрсатилган ҳолатлардан ташқари, қуйидагилар исботланиши лозим:

1) вояга етмаган айбланувчининг аниқ ёши (туғилган йили, оyi, куни);

2) вояга етмаганнинг шахсига хос хусусиятлар ва унинг саломатлиги ҳолати;

3) унинг турмуш ва тарбияланиш шароитлари;

4) катта ёшли далолатчилар ва бошқа иштирокчиларнинг бор ёки йўқлиги.

5) вояга етмаганнинг жисмоний, ақлий ва руҳий ривожланиш хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар;

б) вояга етмаганнинг хулқ-атвори тўғрисидаги маълумотлар, хусусан унинг илгариги ҳуқуқбузарликлари ва шу муносабат билан унга нисбатан қўлланилган чоралар ҳақидаги маълумотлар".

⁵⁸ Мельникова Э.Б. Ювенальная юстиция: проблемы уголовного права, уголовного процесса и криминалогии. - М.: Дело, 2000. –Б.133.

⁵⁹ Ирсалиев А. Вояга етмаганларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишлар юзасидан биринчи инстанция судларида юритиш. -Т.: ТДЮИ, 2003. –Б.17.

2. Вояга етмаганлар жиноят ишларини судда кўришда иштирок этувчи шахслар

Жамоатчиликнинг суд мажлисида иштироки одилликни таъминлашга хизмат қилади ва суднинг ошкоралик принципига амал қилишига ёрдам беради. Жамоатчилик мазкур ҳолатда ошкораликни таъминлаш ва жамоат назоратини амалга оширишга ёрдам беради. Жамоатчиликнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 58-моддасида “Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради” дейилган.

Бундан ташқари, президентимиз И.Каримов таъкидлаганларидек, "Бугунги кунда ҳокимият органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, уларнинг фаолиятига ошкоралик тусини бериш, ривожланган ҳуқуқий демократик давлатнинг асосий белгиларидан бири ҳисобланади⁶⁰"

Ўзбекистон Республикасининг ЖПК 551-моддасига мувофиқ, вояга етмаганлар ҳақидаги ишларни судда муҳокама қилишнинг тарбиявий таъсирини ошириш мақсадида суд бу турдаги ишларни кўришда корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар, шу жумладан уларнинг ўқиш ёки иш жойидан вакиллар таклиф қилишга ҳақлидир.

Шу билан бирга процессуал қонун бу вакилларнинг процессуал мақомини аниқ белгиламайди, бу эса амалиётда маълум қийинчиликларни юзага келтирмоқда.

Айрим судьялар Ўзбекистон Республикасининг ЖПК 551-моддаси тартибида суд мажлисига чақирилган ўқув-тарбия муассасалари ва жамоат бирлашмалари вакилларини жамоат айбловчилари ёки ҳимоячилари деб ҳисоблаб, бу ҳақда баъзан тегишли ажрим ҳам чиқарганлар. Бошқалар

⁶⁰ Каримов.И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси// Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида сўзланган нутқ. Халқ сўзи// Т.: 2010й 13 ноябр

уларга гувоҳ ролини бериб, ҳатто суд мажлиси залидан чиқариб юборадилар. Учинчилари ушбу вакиллар иштирокига оддий тингловчилар сифатида қарайдилар. Айрим судларда Ўзбекистон Республикасининг ЖПК 551-моддаси тартибида чақирилган халқ таълими бўлими вакиллари иштирок этади.

Мазкур моддани бундай турли хилдаги қўллаш амалиёти билан келишиб бўлмайди. Шу сабабли бу масала тегишли назарий таҳлил асосида, қонуний тартибда ҳал қилишни талаб этади.

Суд мажлисида ўқув-тарбия муассасалари ва жамоат ташкилотлари вакилларининг иштироки жиноий жавобгарликка тортилган ўсмир шахсининг батафсил тавсифини аниқлаш, уни судланувчилар курсисига олиб келган сабабларни тўла билиш имкониятини беради. Улар ёрдамида суд ўсмирнинг яшаш, ўқиш ёки иш жойидаги тарбиявий камчиликларни аниқлаши, сўнг уларни бартараф қилиши мумкин.

Шубҳасизки, вояга етмаганларни фақат айрим шахслар эмас, оила ва мактаб, турмуш ва ўқиш тарзи тарбиялайди, кўча тарбиялайди, жамоат муассасалари, буткул қуршаб турган шароит, бутун ижтимоий тузум тарбиялайди. Бу шароитни суд тўлалик ва холислик билан ўқув-тарбия муассасалари ва жамоат ташкилотлари вакиллари томонидан бериладиган ёрдам воситасидагина баҳолаши мумкин.

Жамоатчилик вакилларининг иштироки иш ҳолатларини ҳар томонлама, тўла ва холисона текширишга, вояга етмаган судланувчига таъсир чорасини тўғри танлашга, жиноят сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш бўйича тегишли чораларни тавсия этишга, суд муҳокамаси тарбиявий таъсирини оширишга ёрдам бериши лозим. Вояга етмаганларнинг жиноятлари бўйича иш юриштида жамоатчилик вакиллари иштирокининг мазмуни ва аҳамияти ҳам ана шунда.

Ўқув-тарбия муассасалари ва жамоат ташкилотлари вакиллари процессда фаол қатнашганларидагина ўз вазифаларини тўла бажарадилар.

Бунинг учун эса муайян ҳуқуқлардан фойдаланишлари ва тегишли мажбуриятларни бажаришлари лозим. Ўзларининг процессуал мақомларига кўра, улар жамоат айбловчилари ҳам, жамоат ҳимоячилари ҳам эмас. Улар ўртасидаги фарқ шундан иборатки, жамоатчилик вакиллари жамоат айбловчилари ёки жамоат ҳимоячилари каби коллегиял тартибда сайланмайдилар, балки ўқув-тарбия муассасалари ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари томонидан тайинланадилар.

Бундан ташқари, жамоат айбловчилари ёки жамоат ҳимоячилари иш бўйича моҳиятан ёки айблов ёки оқловчи характеридаги жамоатчилик фикрини баён этадилар. Ўқув тарбия муассасалари ва жамоат бирлашма вакиллари эса содир этилган жиноят ҳақида ўз шахсий фикрларини, уларни қўллаган мансабдор шахсларнинг мулоҳазаларини билдиради. Бинобарин, уларнинг чиқишлари жамоат айбловчиси ёки ҳимоячисидан фарқ қилади.

Шу сабабли ҳам битта иш бўйича суд муҳокамасида бир неча жамоат бирлашмаларининг вакиллари қатнашиши мумкин, улардан бири Ўзбекистон Республикасининг ЖПК 550-моддаси тартибида жамоат айбловчилари (ҳимоячилари) сифатида қатнашишлари, бошқалари эса Ўзбекистон Республикасининг ЖПК 551-моддаси тартибида чақирилишлари мумкин. Уларнинг ҳар бири олдида муайян мақсад ва вазифалар турадики, бунга эришиш учун процессуал ҳуқуқлардан фойдаланиш лозим бўлади.

М.С. Строгович фикрича, мазкур вакил ўз ташаббуси билан ёки суд ва тарафлар талабларига кўра, содир этилган жиноятга ўз муносабатини билдириши, жиноят сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар ҳақида ўз мулоҳазаларини билдириши мумкин. Вакилларга шунингдек, судланувчилар курсида ўтирган вояга етмаган шахсга нисбатан у ёки бу таъсир чорасини қўллаш юзасидан ўз таклифларини айтишларига тўсқинлик қилинмаслиги лозим⁶¹.

⁶¹ Уголовная ответственность несовершеннолетних. - М., Юридлит-ра, 1999. - 121-125-бетлар.

Гувоҳлар фақат кўрсатув беришга чақирилади, ўқув-тарбия муассасалари ёки жамоат бирлашмаларининг вакиллари вазифаси бу билан тугамайди. Уларнинг суд процессларидаги иштироки ўсмирлар билан олиб бориладиган тарбиявий ишлардаги муаммоларни аниқлашга ёрдам беради⁶².

Ўқув-тарбия муассасалари ва жамоат бирлашмалари вакилларига жиноят процессининг мустақил иштирокчилари мақоми берилиши керак ва уларнинг вазифасига қуйидагиларни киритиш лозим:

а) вояга етмаган судланувчининг шахси тўғрисидаги зарур маълумотларни аниқлашда судга ёрдам бериш;

б) жиноят сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлашда судга ёрдам бериш;

в) суд муҳокамаси давомида тарбиявий жараёнда қатнашаш;

г) тарбиявий ва профилактик ишлардаги хатоларни таҳлил қилиш ва бартараф қилиш учун жамоага ахборотни бериш.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 551-моддасини кенгроқ талқин қилиш, чунончи вояга етмаган судланувчиларнинг ишлари бўйича суд мажлисида қатнашиш учун ўз вакиллари ажратиш ҳуқуқига эга бўлган жамоат ташкилотлари доирасини кенгайтириш лозим.

Шунингдек, қонунчиликда бўлган ўзгаришларни эътиборга олган ҳолда, шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси ЖПКси 13-бўлим, 60-бобига жамоатчилик назоратини амалга оширувчи субъектларнинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи модда киритилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ЖПКсида вояга етмаганлар жиноятларини юритишда педагог ва психолог иштироки назарда тутилган бўлиб, ЖПК 554-моддаси "Вояга етмаган айбланувчини сўроқ қилишда педагог ёки психологнинг иштироки" деб номланади.

⁶² Зайка Е.В., Крейдун Н.Л., Ягина А.С. Психологические характеристики личности подростка с отклоняющимся поведением. //Вопросы психологии, 1990, №4. 83-90-бетлар.

Унга кўра, вояга етмаган айбланувчини сўроқ қилишда терговчи ёки прокурорнинг **ихтиёрига кўра** педагог ёки психолог иштирок этиши мумкин. У терговчининг рухсати билан айбланувчига саволлар беришга, сўроқ тугаганидан сўнг эса, сўроқ баённомаси билан танишиб, баённомадаги ёзувларнинг тўғрилиги ва мукамаллиги ҳақида ўз фикрларини ёзма равишда беришга ҳақлидир. Бу ҳуқуқлар терговчи томонидан педагог ёки психологга вояга етмаган шахсни сўроқ қилишдан олдин тушунтирилади ва бу ҳақда сўроқ баённомасида қайд қилинади.

Бизнинг фикримизча ушбу моддадаги **"терговчи ёки прокурорнинг ихтиёрига кўра"** деган жумла вояга етмаган шахснинг ҳуқуқларини амалга оширишда ва ҳимоя қилишда салбий жиҳатдан тасир қилаётгандек назаримизда. Чунки, агар вояга етмаган шахснинг жиноят иши юзасидан унга педагог ёки психолог иштироки шарт бўлсаю, лекин, буни терговчи ёки прокурор ҳоҳламаса уларнинг ишда иштироки таъминланмайдими деган савол туғилади!

Биз юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, вояга етмаган шахслар ҳали, ҳам руҳан ҳам жисмонан тўлиқ улғайиб камолга етмаган шахслар бўлганлиги, уларнинг ўсмир ёшда эканлиги, руҳий-психологик ўзгаришлар кечадиган даврда эканликларини эътиборга олган ҳолда уларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишларни юритишда психолог ва педагог иштирокининг мажбурийлигини белгилаб қўйиш лозим.

Психолог бўлганда ҳам оддий психолог эмас маълум ҳаётий тажрибага эга, болалар ва ўсмирлар психологиясини яхши тушунадиган, болалар билан узлуксиз ишлаган, камида **3 йиллик меҳнат стажига эга** психологлар иштирокини мажбурий қилиб қўйилиши лозим.

Зеро, статистик маълумотларга кўра, ҳозирги кунда вояга етмаганлар жиноят ишларини юритиш борасида психолог иштироки мажбурий бўлмаганлиги сабабли уларнинг 6%идагина психолог иштироки таъминланганлигини кўришимиз мумкин⁶³

⁶³ [www.rcsad.uz/bola va zamon](http://www.rcsad.uz/bola_va_zamon) - 92php.

Бу борадаги хориж тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак Қозоғистон Республикаси ЖПКси 488-моддаси 1-қисмида вояга етмаганларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишларда педагог ва психолог иштироки шартлиги белгилаб қўйилган. Шунингдек, Белоруссия ЖПКси 435-моддаси 1-қисмида ҳам вояга етмаганларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишларда педагог ва психолог иштироки шартлиги белгилаб қўйилган. Шулар билан бир қаторда Россия Федерацияси ЖПКси 425-моддаси 3-қисмида ҳам вояга етмаганларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишларда педагог ва психолог иштироки шартлиги белгилаб қўйилганлигини кўришимиз мумкин.

Юқоридагиларга асосан бизнинг фикримизча ЖПК 554-моддаси қуйидаги тахрирда баён қилиниши лозим:

"Вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчини сўроқ қилишда педагог ёки психолог иштирок этиши шарт. У айбланувчига саволлар беришга, сўроқ тугаганидан сўнг эса, сўроқ баённомаси билан танишиб, баённомадаги ёзувларнинг тўғрилиги ва мукамаллиги ҳақида ўз фикрларини ёзма равишда беришга ҳақлидир. Бу ҳуқуқлар терговчи томонидан педагог ёки психологга вояга етмаган шахсни сўроқ қилишдан олдин тушунтирилади ва бу ҳақда сўроқ баённомасида қайд қилинади".

3. Судда вояга етмаганлар жиноят ишларини кўришнинг руҳий-психологик ҳамда ахлоқий жиҳатлари

Суд мажлисларининг юқори савияда, ҳалқаро ҳуқуқ нормаларига риоя қилинган ҳолда ўтказиш талаби айниқса вояга етмаганлар ишларига нисбатан ниҳоятда муҳимдир. Бу ўринда суд фаолиятининг ҳуқуқий ва ахлоқий жиҳатлари уйғунлашиб кетади, чунки процесс иштирокчилари ўртасида нафақат ҳуқуқий, балки ахлоқий муносабатлар ҳам юзага келади. Ахлоқий муносабатлар эса вояга етмаганлар ишлари бўйича, айниқса, муҳим аҳамият касб этади.

Шунга қарамай, амалиётдан маълумки, бир қатор салбий ҳолатлар оқибатида судьянинг касбий ахлоқида кўполлик ва кескинлик кузатилади.

Масалан, ҳуқуқшунос А.Ирсалиев томонидан 200 нафар суд ходимлари ўртасида ўтказилган анкета сўровида маълум бўлишича, 45 фоиз судьялар иш жараёнида ахлоқ меъёрларидан чекингани, 10 фоизи судьяларда одамларга ишончсизлик ва шубҳа билан қараш борлиги, 26 фоизида эса ўз қарорларининг беҳатолигига тўла ишонганлигини кўриш мумкинлиги ⁶⁴ айтиб ўтилган.

Вояга етмаганлар жиноятлари тўғрисидаги ишларни кўрадиган судьялар болалар ва ўсмирлар психологияси соҳасида замонавий билимлардан хабардор бўлишлари лозим. Бусиз вояга етмаган шахснинг хулқи, жиноят содир қилиш мотивларини асосли ва тўғри баҳолаш мушкул. Маълумки, жиноятнинг мотивлари вояга етмаганлар ишлари бўйича исботлаш предметининг ажралмас қисмини ташкил этади. Кўриб чиқилаётган муаммо доирасида ўсмирлар психологияси соҳасида мутахассислар етарли эмас, шундай экан муаммо ўз ечимини кутмоқда ⁶⁵.

Мана ушбу муаммонинг кўтарилганлигига 10 йилдан ошибдики, ҳалигача ечим топилмаган. Бугунги кунда вояга етмаганлар жиноятлари тўғрисидаги ишларни судда кўришда, нафақат судда кўришда балки дастлабки терговни амалга ошириш соҳасида психолог иштироки мажбурийлиги, психолог бўлгандаям оддий психолог эмас, болалар, ўсмирлар психологиясини яхши тушунадиган, улардаги ёш билан боғлиқ ўзгаришларга баҳо бера оладиган, бу борада маълум тажриба ва махсус билимларга эга бўлган психологлар иштирокини мажбурий қилиб қўйиш вақти келди, назаримизда.

Суд процессининг бошқа иштирокчилари, вояга етмаган судланувчилар билан судьяларнинг тўғри муносабатда бўлиши биринчи даражали аҳамият касб этади. Суд мажлиси залларида судланувчига

⁶⁴ Ирсалиев А. Вояга етмаганларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишлар юзасидан биринчи инстанция судларида юритиш. -Т.: ТДЮИ, 2003. –Б.21.

⁶⁵ Ўша ерда –Б.22.

нисбатан нописанд муносабатда бўлиш, вояга етмаган шахсга нисбатан "сенлаб" мурожаат қилиш ҳоллари мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолатдир, чунки, бу билан суд фаолиятининг ахлоқий асосларига путур этади, вояга етмаган шахс тўғри кўрсатув беришига таъсир этиши мумкин бўлиб ҳисобланади ва тарбиявий жиҳатдан ўзини ҳеч оқламайди.

Суд процесси иштирокчилари ўртасидаги ахлоқий муносабатлар суд мажлисининг тайёрлов қисмида айниқса кўпроқ намаён бўлади. Бу раислик қилувчи ҳушмуомалалик ва хайрихоҳлик билан вояга етмаган судланувчининг шахсини аниқлашидан бошланади.

Судья саволларга берилган жавобларга қараб вояга етмаганнинг ўзини тутиши, уни қайта тарбиялаш имконияти, содир этилган жиноятга, унга қўлланилган эҳтиёт ёки мажбурлов чораларига муносабати ва бошқалар ҳақида дастлабки хулоса чиқариши мумкин.

Вояга етмаган судланувчига унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари жуда аниқ ва содда тарзда тушунтирилиши керак. Адабиётларда тўғри таъкидланганидек, кўп ҳолларда ўсмир ўзининг юридик саводсизлигидан уялади ва шу сабабли “илтимослар қилиш”, “рад қилиш”, “суд муҳокамасида иштирок этиш” каби терминларнинг мазмунини тушунмаслигини билдирмасликка ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам ЖПК 46-моддаси моҳиятини вояга етмаган шахсга оддий иборалар билан тушунтириш лозим.

Ўсмир ва унинг қонуний вакилларига ҳуқуқларини, айблов моҳиятини хотиржам, шошилмасдан, батафсил тушунтириб беришнинг ўзиёқ процесс иштирокчиларига судьянинг холислигини намоён қилади, процесснинг тарбиявий-огоҳлантирувчи таъсирини таъминловчи муҳит юзага келишига имкон беради⁶⁶.

Суд терговини ўтказиш даврида ахлоқий муаммолар алоҳида аҳамият касб этади. Таъкидлаш жоизки, судланувчининг ҳаққонийлиги кўп жиҳатдан суд мажлиси залидаги муҳитга боғлиқ. Вояга етмаган шахсни

⁶⁶Ўша ерда. -Т.: ТДЮИ, 2003. –Б.25.

сўроқ қилиш қўпол оҳангдан холи, кўрсликни истисно қилувчи шароитда ўтказилиши керак. Вояга етмаган шахснинг рухиятидаги хусусиятлар судьялардан, айниқса раислик қилувчидан сўроқ қилишнинг алоҳида тактик усуллари қўллашни талаб этади. Судьянинг ноҳуш муомаласи, куруқ оҳангидаги саволлари ҳеч қандай натижа бермайди. Сўроқни суҳбат шаклида олиб боришга йўл қўйилади. Бироқ бу сўроқ қилинувчининг судья билан бир ҳил оҳангда гаплашиши мумкин эканини билдирмайди. Ўсмир судланувчига бериладиган саволлар, тушунтиришлар шакли аниқ, оҳанги расмий характерда бўлиши лозим⁶⁷.

Кўрсатувлар бериш учун энг қулай шарт-шароит яратиш муҳим аҳамиятга эга. Вояга етмаган шахс иш ҳолатларини эркин равишда сўзлаб бераётган вақтда раислик қилувчи ўта таъсирчанлик омилини ҳисобга олиб, аниқловчи ва тўлдирувчи саволлар беришда айниқса эҳтиёткор бўлиши лозим. Сўроққа ўта фаол аралашини мақсадга мувофиқ эмас. Бу сўроқ тизимининг бузилишига олиб келиши, баъзи гумонларни ҳал этишга ҳалақит бериши мумкин. Шунингдек, сўроқ қилинувчини шошириш, судни қизиқтирадиган ҳолатларга дарҳол ўтишни талаб қилиш ҳам ярамайди. Бу муҳим ахборотнинг берилмай қолишига сабаб бўлиши мумкин.

Сўроқ қилинувчига аввал бошида қулай саволлар бериш, сўнгра нейтрал ва ниҳоят сўроқ қилинувчи учун жиддий, марақаб саволларга ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу вояга етмаган шахс билан руҳий жиҳатдан контакт ўрнатишга ёрдам беради⁶⁸.

Раислик қилувчи сўроқ қилинувчидан дастлабки терговда берган кўрсатувларини тасдиқлаш-тасдиқламаслигини сўрашига зарурат йўқ. Судда сўроқ қилиш - мустақил процессуал ҳаракат ҳисобланади. Демак, саволни бу тахлит қўйиш ҳуқуқий асосга эга эмас ва ахлоқан ўринсиз.

⁶⁷ Ўша ерда. –Б.27.

⁶⁸ Нормуродов Ғ. Гумон қилинаётган вояга етмаган ўсмирларни сўроқ қилишнинг психологик хусусиятлари. Диссертация. Т.: 2008

Асосий сўроқдан фарқли ўлароқ, вояга етмаган судланувчи билан савол жавоб услуби ҳар доим ҳам ўзини оқлайвермайди. Айрим ҳолларда бу иш бўйича объектив ҳақиқатни аниқлаш имкониятига ҳатто салбий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин. Маълумки, амалиётда савол-жавоб қилиш муайян даражада саволнинг яна қайтарилиши билан боғлиқ бўлиб, одатда бу саволга тўлиқроқ жавоб олишга мўлжалланган. Бироқ, бу вазият сўроқ қилинувчида ўз жавобининг тўғрилигига шубҳа уйғотиши, оқибатда у ўз кўрсатувларини ўзига қулай йўналишга буриб юбориши мумкин. Бунинг устига савол жавоб вақтида тез-тез бўладиган асабий тангликларни ҳисобга оладиган бўлсак, бу вояга етмаган шахснинг содир бўлаётган ходисаларни тўғри қабул қилишига муқаррар таъсир кўрсатади, ўзини ўзи идора қилиш ва ўз кўрсатувларини баҳолашни сусайтиради. Агар ҳаққоний, воқеъликка мос кўрсатувлар олишнинг бошқа имкониятлари бўлса, ҳар бир ҳолатда суд мажлисида сўроқ қилишнинг савол-жавоб шаклидан кенг фойдаланиш ўзини оқламайди.

Вояга етмаганнинг судда берган кўрсатувлари ва тушунтиришларига диққат билан муносабатида бўлиш зарур ҳуқуқий ва ахлоқий талаб ҳисобланади. Уларни суд мажлисида олинган янги далиллар билан қиёслаб таҳлил этиш лозим. Бу қоида айбланувчи ўз айбига иқрорлик билдирган ҳолларда айниқса аҳамиятга эга. Бундай судланувчи айнан нима сабабдан иқрор бўлаётганини аниқлаш лозим. Зеро вояга етмаган шахс руҳиятининг маълум хусусиятлари бир қатор ҳолларда ўсмир томонидан унга қўйилаётган айбнинг моҳияти ва жиддийлигига тушунмаслик оқибатида берилаётган бўлиши эҳтимол.

Суд этикаси нуқтаи назаридан катта ёшдагиларнинг ахлоқсиз ёки бошқа ижтимоий қораланадиган, ҳусусан ота-оналик бурчини бузишдан иборат хулқ-атворини, шунингдек шахснинг ички-интим ҳаётларини текшириш жуда мураккаб муаммо ҳисобланади. Шунинг назарда тутиш керакки, инсон муносабатлари баъзи соҳалари суд мажлиси залида ҳозир бўлганларда носоғлом қизиқишни уйғотиши мумкин. Бундай шароитда

раислик қилувчи бундай савол-жавоблар мазмунига жуда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиши, зарур ҳолларда Ўзбекистон Республикаси ЖПК 19-моддасида кўзда тутилган тартибда ишни ёпиқ суд мажлисида кўриш имкониятидан фойдаланиши лозим.

Сўроқ қилишнинг зарур ахлоқий шарти, ўз ҳиссиётларини очик билдирмаслик, ўсмирнинг нозик иззат-нафсини ҳисобга олиш ва кадр-қимматини сақлашдан иборат. Шуни назарда тутиш керакки, судья ва прокурорларнинг баъзан судланувчининг кўрсатув беришдан бош тортиши ёки ўзининг ёлғон важларини ўжарлик билан таъкидлайверишига нисбатан реакция сифатида юзага келадиган сержаҳдлиги иш ҳолатларини ҳолисона текширишга таъсир кўрсатиши мумкин. Бу ерда ахлоқий ва ҳуқуқий талаблар анча муайян тарзда намоён бўлади⁶⁹.

Вояга етмаганларнинг жиноят ишларини кўришда жиноят-процессуал ҳуқуқ нормаларига тўла риоя этиш билан бир қаторда, судланувчига ҳаддан зиёд “хушмуомалалик ва эътибор” кўрсатиш, вояга етмаганнинг ёшини ҳисобга олиш чегарасидан ошиб кетмаслиги лозим.

Суд мажлисларини “расмий”, “педагогик кенгашга ўхшаган” муҳитда ўтказиш мақсадга мувофиқ эмас, балки зарарлидир.

Ўсмирлар билан муносабатда бўлиш ва уларга ёши хусусиятларини ҳисобга олиб таъсир ўтказиш усуллари ҳақидаги психология ва педагогика фанлари тавсияларидан фойдаланиш ёрдамчи характерга эгадир.

Иш ҳолатларини текшириб бўлгач, суд музокараларга ўтади. Сўзга чиқиш кетма-кетлигини белгилаганда музокараларни имкон борича жамоатчилик вакилларининг нутқлари билан бошлаш мақсадга мувофиқ, бундай вақтда вакиллар прокурор ва адвокат қарашларига боғланиб қолмай, мустақил фикр билдирадилар.

Бундай тавсиялар процессуал адабиётларда ҳам асослаб берилган. Чунончи, давлат айбловчиси ва ҳимоячиси ўзларининг узил-кесил

⁶⁹ Нормуродов Ғ. Гумон қилинаётган вояга етмаган ўсмирларни сўроқ қилишнинг психологик хусусиятлари. Диссертация. Т.: 2008

позицияларини шакллантиришда жамоатчилик вакиллари фикрларини ҳисобга олишлари муҳим аҳамият касб этади.

Касб этикаси суд музокараларида давлат айбловчиси ва ҳимоячисининг нутқларига ҳам жиддий талаблар қўяди. Уларнинг асоссиз айбловга ёхуд оқлашга уриниши, бир ёқламалик, далилларга баҳо беришнинг холис эмаслиги бошқа асослар ва фактларни шубҳа остига қўяди, жиноят судлов иш юритишнинг суд мажлиси залида ҳозир бўлганлар олдида обрўсини тўкилишга олиб келади.

Ахлоқий жиҳатдан давлат айбловчисининг қатъят билан жазо беришни талаб қилиш ҳам, ҳимоячининг сохта важларни рўқач қилиб, жиноятчини ҳар қандай йўл билан жиноий жавобгарликдан олиб қолишга уриниш ҳам одил судловга ҳалал беради. Иш материалларига бефарқ қараш, гувоҳ ва жабрланувчиларнинг кўрсатувларига субъектив баҳо бериш, фактлар билан ҳисоблашмаслик ҳуқуқ меъёрларини, ахлоқий тамойилларни қўпол равишда бузиш ҳисобланади.

Вояга етмаган шахс содир этган жиноят тўғрисидаги ишни судда муҳокама қилишнинг ўзиёқ ўсмирга тарбиявий таъсир кўрсатиши муқаррар. Суд мажлисининг йўналиши айбланувчининг қонуний жавобгарликдан қочиш имконияти ҳақидаги фикрни истисно этиши лозим. Аксинча, судья вояга етмаган шахсда тавба қилиш туйғусини уйғотишга ҳаракат қилиши зарур. Вояга етмаганлар ўртасида анча кенг тарқалган бундай тузалишга ваъда беришнинг ташқи кўринишлари ҳар доим ҳам тегишли ички кечинмалар билан боғлиқ бўлмайди. Ҳақиқий пушаймонга эришиш зарур.

Иш бўйича далилларни текшира туриб, суд ижтимоий бурч, тўғри юриш-туриш, жамиятдаги ўзаро муносабатлар ҳақида турлича нотўғри, бузук тасаввурларга дуч келиши мумкин. Бундай тасаввурлар кимники эканлигидан (судланувчи, жабрланувчи ёки гувоҳ) қатъи назар, суд “вақтни тежаб” уларни эътиборсиз қолдиришга ҳақли эмас. Судланаётган

Ўсмир яхшиликка ишончини йўқотмаслиги, одамларнинг ҳалоллиги ва адолат тантанасидан ихлоси қайтмаслиги жуда муҳимдир.

Жиноят процессуал қонуни (ЖПК 408-модда) раислик қилувчига процесснинг тарбиявий аҳамиятини таъминлаш мажбуриятини юклайди. Бироқ қонун бундай мажбуриятни процесснинг бошқа иштирокчиларига, жумладан, давлат айбловчиси, ҳимоячи, жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячисига юкламайди. Ваҳоланки, улар ҳам суднинг тарбиявий таъсирини таъминлашлари лозим.

Шу муносабат билан суд мажлисининг тарбиявий таъсирини таъминлашга қаратилган мажбуриятларига оид нормани ЖПКга киритиш керак⁷⁰.

Биз ҳам ушбу фикрларига қўшилаемиз, чунки, суд мажлисининг тарбиявий таъсирини таъминлашга қаратилган мажбуриятларига оид нормани ҳуқуқий жиҳатдан асослаб қўйиш, ишни кўриш жараёнида судьялар зиммасига янада маъсулият билан ёндошишларига хизмат қилади.

Ахлоқий талаб судга юқори ҳурматда мурожаат қилишдан иборат. Бу процесснинг барча иштирокчиларини раислик қилувчининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қўпол эътирозлардан ўзини тутишга мажбур қилади. Зарур ҳолларда юзага келган тушунмовчиликларни аниқлаштириш учун суддан танаффус эълон қилишни сўраш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бошқа тарафдан, таъкидлаш лозимки, раислик қилувчи маънавий-ахлоқий меъёрларга қатъий риоя этишга ўзи мажбур бўлибгина қолмай, буни процесснинг бошқа иштирокчиларидан ҳам талаб этиши лозим. Гувох, жабрланувчи, судланувчиларнинг кўрсатувларида қўпол, ҳаёсиз, вояга етмаган судланувчиларнинг кадр-қимматини камситувчи иборалар қўлланишига йўл қўйиш мумкин эмас. Залдаги “бакирув”ларга ҳушёрлик билан жавоб бериш, ҳар қандай беор ҳаракатларни бартараф қилиш, лозим бўлса процессуал санкциялар қўллаш лозим. Бироқ, бунда шуни

⁷⁰ Ирсадиев А. Вояга етмаганларнинг жиноят ишларини судда юритиш. –Т.: ТДЮИ,2003. –Б.38.

таъкидлаш жоизки, судьянинг процесс иштирокчилари томонидан кўрсатилган одобсизликка муносабати ҳам ўз навбатида намунавий бўлмоғи лозим.

Шундай экан, вояга етмаганларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишларни судда кўрилишида асосий эътибор жараённинг ахлоқий ҳамда тарбиявий жиҳатларига қаратилиши мақсадга мувофиқдир.

II боб бўйича хулосалар:

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, биринчидан, вояга етмаганларнинг жиноят ишлари кўрилишида исботланиши лозим бўлган ҳолатларга, яъни, ЖПК 548-моддасига қуйидагича банд киритишни таклиф қиламиз: "Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича, ушбу Кодекснинг 82 — 84-моддаларида кўрсатилган ҳолатлардан ташқари, қуйидагилар исботланиши лозим:

1) вояга етмаган айбланувчининг аниқ ёши (туғилган йили, оyi, куни);

2) вояга етмаганнинг шахсига хос хусусиятлар ва унинг саломатлиги ҳолати;

3) унинг турмуш ва тарбияланиш шароитлари;

4) катта ёшли далолатчилар ва бошқа иштирокчиларнинг бор ёки йўқлиги.

5) вояга етмаганнинг жисмоний, ақлий ва руҳий ривожланиш хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар;

6) вояга етмаганнинг хулқ-атвори тўғрисидаги маълумотлар, хусусан унинг илгариги ҳуқуқбузарликлари ва шу муносабат билан унга нисбатан қўлланилган чоралар ҳақидаги маълумотлар".

Иккинчидан, Жиноят қонунида вояга етмаганларнинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ҳолатларнинг батафсил рўйхатини махсус белгилаш зарур. Бу ҳақда тегишли нормани ЖК 55-модда "ж" бандига қўшимча тарзда бериш ва унга бошқа ҳолатлар билан бирга

турмуш ва тарбияланишнинг ёмон шароитларини киритиш мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки оғир шароитларда тарбияланган боланинг тарбияси ҳам оғир бўлиб, жиноят содир этишга мойиллик пайдо бўлиши мумкин.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКси 13-бўлим, 60-бобига жамоатчилик назоратини амалга оширувчи субъектларнинг ҳуқуқий мақомини белгилувчи модда киритилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Тўртинчидан, бизнинг фикримизча ЖПК 554-моддаси куйидаги таҳрирда баён қилиниши лозим:

"Вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчини сўроқ қилишда педагог ёки психолог иштирок этиши шарт. У айбланувчига саволлар беришга, сўроқ тугаганидан сўнг эса, сўроқ баённомаси билан танишиб, баённомадаги ёзувларнинг тўғрилиги ва мукамаллиги ҳақида ўз фикрларини ёзма равишда беришга ҳақлидир. Бу ҳуқуқлар терговчи томонидан педагог ёки психологга вояга етмаган шахсни сўроқ қилишдан олдин тушунтирилади ва бу ҳақда сўроқ баённомасида қайд қилинади"

Психолог ва педагог иштироки мажбурийлигининг белгиланиши вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ва уларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишларни юритиш соҳасини яна бир савияга олиб чиқишига умид қиламиз.

Бешинчидан, Ўзбекистон Республикасининг ЖПК 551-моддасига ўзгартириш киритиб, суд вояга етмаган шахсларни ишини судда кўришда унинг ота-онасини, ота-она ўрнини босувчи шахслар, вояга етмаганлар ўқиган ёки ишлаган корхонани, муассасани, ташкилотни, вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссияни, зарур бўлса бошқа ташкилотларни ҳам хабардор қилади ва суд бу ташкилотларнинг вакилларини, судланувчининг васий ёки ҳомийсини чақиришга мажбур, деб белгиланиши мақсадга мувофиқ. Бу судьянинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаслиги керак.

III БОБ. ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

1. Судларда вояга етмаганлар жиноят ишларини кўрилишини такомиллаштириш масалалари

Ўзбекистон Республикасининг ЖПК 395 - моддасида жиноят ишини судда кўриш учун тайинлашнинг ягона процессуал тартиби белгиланган. Бунга кўра судья жиноят ишини ўрганиб чиқиб, етти сутка давомида ё ишни судда кўриш учун тайинлаш ёки жиноят ишини юритишни тўхтатиш ёхуд тугатиш тўғрисида қарор чиқариши керак.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 397-моддасига мувофиқ, суд муҳокамасида давлат айбловчисининг иштироки ишни судда кўриш учун тайинлаш тўғрисидаги қарорда кўрсатилиши лозим, дейилган. Бундай талаб ортиқча, чунки Кодекснинг 409-моддасига кўра прокурор барча ишлар бўйича суд муҳокамасида иштирок этиши шарт. Бу масалани суд ишни кўришга тайинлаш чоғида муҳокама қилишига ҳожат йўқ.

Вояга етмаганларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишни ёпиқ суд мажлисида кўриш барча процессуал қоидаларга биноан ўтказилади.

Вояга етмаганларнинг ишлари бўйича суд муҳокамасида судья вояга етмаган судланувчининг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек прокурорнинг фикрини эшитиб, вояга етмаган шахсга салбий таъсир этиши мумкин бўлган ҳолатлар текшириляётганда суд ўз ажрими билан уни суд залидан чиқариб туришга ҳақли. Жиноят процессуал кодексининг 551-562 моддаларига мувофиқ, суд вояга етмаганлар томонидан содир қилинган жиноят ишлари кўриладиган вақт ва жой ҳақида уларнинг ота-онасини, ота-она ўрнини босувчи шахсларни васийлик ёки ҳомийлик органи вакиллари вояга етмаганлар ўқиган ёки ишлаган корхона муассаса ташкилотни вояга етмаганларнинг ишлари бўйича шуғулланувчи

комиссияни фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлар вакиллари, зарур бўлса бошқа ташкилотларни ҳам хабардор қилади⁷¹.

Назаримизда, Ўзбекистон Республикасининг ЖПК 551-моддасига ўзгартириш киритиб, суд вояга етмаган шахсларни ишини судда кўришда унинг ота-онасини, ота-она ўрнини босувчи шахслар, вояга етмаганлар ўқиган ёки ишлаган корхонани, муассасани, ташкилотни, вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссияни, зарур бўлса бошқа ташкилотларни ҳам хабардор қилади ва суд бу ташкилотларнинг вакиллари, судланувчининг васий ёки ҳомийсини чақиришга мажбур, деб белгиланиши мақсадга мувофиқ. Бу судьянинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаслиги керак.

Бу борада суд амалиётидан мисол келтирадиган бўлсак, судланувчи вояга етмаганлар И.ва А.лар 2013 йил 02 август кунидан 07 август кунига қадар бўлган вақт оралиғида, такроран, ўзганинг мол-мулкани талон-тарож қилиш мақсадида, бир гуруҳда бўлишиб, 115-сонли умумий ўрта-таълим мактабининг компьютер хонасига ғайриқонуний равишда киришиб, у ердан мактаб балансида бўлган буюмларни яширин равишда давомий равишда кўлга киритиб, 115-сонли умумий ўрта-таълим мактабига жами 46.494.678 сым 94 тийинлик моддий зарар етказган иши юзасидан суд мажлисида қонуний вакил иштирокида сўроқ қилинган.

Вояга етмаганлар ишларини кўриб чиқиш амалиёти бундай ҳоллар тўғри эканлигини ва ота-оналардан бирининг гувоҳ сифатидаги кўрсатувлари холислигига ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасизлигини тасдиқлайди. Шунингдек, бу ҳолда вояга етмаган судланувчининг тақдири ҳал этилаётганда ҳар иккала ота-она турли процессуал кўринишларда иштирок этишини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Вояга етмаган судланувчилар ота-оналари бўлмаганида ва улар тегишлича расмийлаштирилмаган ҳомий ёки васий шахслар билан

⁷¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами 1991- 2006 йиллар. Т. 2 жилд. 2007. 24 бет.

яшаётган ҳолларда ҳам қонуний вакиллар ёрдамидан фойдаланишлари мумкин. Бундай ҳолларда суд қонуний вакил сифатида васийлик ва ҳомийлик органлари вакилини ҳам чақириши лозим.

Қонуний вакиллар судга чақирилмаган ҳолларда судланувчининг ҳимоя қилиш ҳуқуқини тўла амалга оширганига шубҳа уйғотиши ва жиноят процессуал қонунининг жиддий бузилиши, деб топилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида айбланувчининг ҳимоя қилиш ҳуқуқи билан таъминлаш кенг эътироф этилганлигини ҳисобга олиб, вояга етмаган шахснинг қонуний вакилининг жиноят-процессуал ҳуқуқини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Омигов В.И. нинг фикрича, мазкур вакил ўз ташаббуси билан ёки суд ва тарафлар талабларига кўра, содир этилган жиноятга ўз муносабатини билдириши, жиноят сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар ҳақида ўз мулоҳазаларини билдириши мумкин. Биз бу фикрга қўшиламыз.

Вакилларга шунингдек судланувчилар курсида ўтирган вояга етмаган шахсга нисбатан у ёки бу таъсир чорасини қўллаш юзасидан ўз таклифларини айтишларига тўсқинлик қилинмаслиги лозим⁷²

Лозим ҳолларда ишни судда кўришга тайинлаш чоғида ўсмирнинг ақлан ривожланмаганлиги, руҳий асабий ўзгаришлар ва бошқалар мавжудлигини кўрсатувчи белгиларни аниқлаш учун психиатрнинг чақирилиши Ўзбекистон Республикаси ЖПК 567, 568-моддаларига хилоф бўлмайди. Бу ўринда врач-психиатр суд мажлисида эксперт вазифасини ўтамайди, балки мутахассис сифатида судга вояга етмаганнинг руҳиятини тушунишга ёрдам берган бўлар эди. Бу билан мутахассислар ЖПК 395, 548, 556, 564-моддалари талаблари доирасида кўрилатган масалалар бажарилишига ўз ҳиссаларини қўшган бўлур эди.

Психиатрнинг муайян ёрдами айбланувчининг руҳий ҳолати, суд-

⁷² Омигов В.И. Преступность несовершеннолетних: ее характеристика. Вопросы ювенальной юстиции. 2012. №3 (41).С.14.

⁷² Уголовная ответственность несовершеннолетних. М., Юридлит-ра. 1999, 121-125-бетлар.

психиатрия экспертизаси тайинлаш зарурати, тўпланган материалларнинг тўлалиги ва булар ҳақида гувоҳлик берувчи ишда мавжуд бўлган тергов материаллар тўлалигини аниқлашдан иборат бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг ЖПК 551-моддасига мувофиқ, суд ўсмирнинг иш ёки ўқиш жойига суд мажлиси вақти ва ўрнини маълум қилиши шарт. Бу вояга етмаганлар ишлари бўйича суд муҳокамаси тарбиявий таъсирини ошириш учун ва жиноят сабаблари ва уни содир этишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш учун зарурдир.

Ўқув-тарбия муассасалари, жамоат ташкилотлари, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, ҳомийлик ва васийлик органлари вакиллари суд мажлисида судланувчи ва унинг ота-онаси ҳақида, огоҳлантирув характеридаги кўрилган чоралар ва жиноят содир этилишига имкон берган бошқа шарт-шароитлар ҳақида ўз фикрларини баён этишга ҳақлидирлар.

Вояга етмаганларнинг жиноят ишларини кўришга жамоатчилик органларини жалб этиб, суд бу билан умумий профилактикани кўзда тутган ҳолда тарбия фаолияти соҳасини кенгайтиради.

Вояга етмаган судланувчини жиноят иши материалларини судга тайёрлашда тўпланган далиллар етарлилигини ва вояга етмаганни жиноий жавобгарликка тортиш учун асослар борлигини тергов материаллари воситасида аниқланади. Бу масалаларни ҳал этишда суд Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айбсизлик презумпциясига риоя қилиш тўғрисидаги талабига қатъий амал қилиб, ўсмир ҳаракатларига тўғри баҳо берилгани, уларнинг тавсифи тўғри эканлигини текширади.

Жиноят процессида бир қоида қатъийдир: судга бериш босқичида ишни суд мажлисида мазмунан кўриб чиқиш учун тўпланган далиллар етарлилигини аниқлаш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ўз Пленумларида судлар эътибори Жиноят процессуал кодексининг 395- ва 558-моддаларида белгиланган қамокқа олишда эҳтиёт чорасини қўллашга ва уни асослашга қаратилган. Афсуски суд ва тергов амалиётида процессуал мажбурловнинг

энг қатъий чорасини асоссиз қўллаш ҳолатлари учраб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2000 йил 15 сентябрдаги Пленуми қарорида таъкидланишича, суд қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш асослилигига эътибор қаратиши лозим, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 558-моддасига кўра бундай эҳтиёт чораси вояга етмаганларга нисбатан содир этилган жиноятнинг оғирлиги ва қонунда кўрсатилган асослар бўлганда истисно ҳолатларда қўлланилиши мумкин (ЖПКнинг 238 ва 242 моддалари).

Кодекснинг 558-моддасига 2001 йил 29 августдаги қонуни билан киритилган ўзгартиришга биноан бу эҳтиёт чораси вояга етмаган шахсга нисбатан у беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган қасддан жиноят содир этганликда айбланган ҳолда қўлланиши мумкин.

Ишнинг муайян ҳолатларига қараб ва вояга етмаганларнинг турмуш шароити ҳақидаги маълумотларни ҳисобга олиб, суд Жиноят процессуал кодексининг 556-моддаси асосида эҳтиёт чораси сифатида уни ота-оналари, васийлари ва ҳомийлари назоратига, агар болалар муассасида тарбияланаётган бўлса, ушбу муассаса маъмурияти назоратига топшириши мумкин.

Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлашда судья вояга етмаган ҳуқуқбузарнинг оилада, мактабда, ишлаб чиқаришда ахлоқи ва турмуш шароитидаги салбий ҳолатларни характерловчи материаллар мавжудлигини текширади, вояга етмаган шахснинг ишини судда кўриш учун етарли асослар мавжудлигига ишонч ҳосил қилгач, судья ишни суд мажлисида кўриб чиқиш билан боғлиқ масалаларнинг ҳал қилишга киришади (ЖПК 395-моддаси).

Вояга етмаганларнинг ишлари бўйича суд муҳокамаси - одил судлов органлари фаолиятининг асосий кўринишидир. Мустақил Ўзбекистон Республикасида демократик давлатнинг суд муассасалари олдида қонунларни бир хилда ва тўғри қўллашни таъминлаш, фуқароларнинг

хукуқ ва эркинликларини, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш вазифаси қўйилган.

Суд муҳокамаси вояга етмаганларга энг катта тарбиявий таъсирни кўрсатади. Бироқ бу таъсирга эришиш учун суд мажлиси тўғри ташкил этилган бўлиши лозим. Вояга етмаганларнинг жиноятлари бўйича иш юритишнинг ташкилий, хукуқий шакллари иложи борича одил судловнинг умумий вазифаларига, жиноят процесси мақсадларига мувофиқ келиши ва шу билан бирга бу турдаги жиноят ишларини кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиши лозим.

Бироқ суд муҳокамасининг ташкилий, хукуқий ва процессуал жиҳатлари юридик адабиётда етарлича ўрганилмаган. Фақат масаланинг айрим хусусий тарафларигина кўриб чиқилган. Мазкур муаммони комплекс ўрганишнинг муҳимлиги ва долзарблиги шубҳасиздир. Албатта, бу вазифани битта тадқиқот ишида тўла очиб беришнинг иложи йўқ, шу сабабли мазкур бобда кўриб чиқилаётган мазкур муаммонинг асосий масалаларини белгилашга ва мамлакатимиз ривожланиш истиқболлари ва анъаналарини ҳисобга олган ҳолда уларни ҳал қилишни тақлиф этишга уриниш бўлди.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича суд муҳокамасининг ташкилий-хукуқий масалалари бу турдаги ишларни судда кўриб чиқишда юзага келувчи бир қатор ахлоқий муаммолар билан чамбарчас боғлиқ.

Маълумки, ҳозирги вақтда суд этикаси муаммолари тадқиқотчиларнинг алоҳида эътиборини тортмоқда. Бироқ, мавжуд тадқиқотлар асосан жиноят ишларининг айрим турлари бўйича иш юритишнинг ўзига хослигини акс эттира олмайдиган умумий характердаги ишлардир. Шу сабабли вояга етмаганлар ишларини кўриб чиқишга нисбатан шундай ўзига хосликни ажратиб кўрсатиш ва тадқиқ қилишга ҳаракат қилинди.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича суд жараёнлари сифати самарасини ошириш ўзининг долзарблиги билан кун тартибига мазкур турдаги жиноят

ишлари бўйича судьяларнинг ихтисослашуви масаласини қўймоқда.

Умуман судда жиноятларни, айниқса вояга етмаган ҳуқуқбузарларнинг ишларини муҳокама қилиш, тўртта ўзаро боғлиқ муаммоларини комплекс ўрганишни назарда тутди: жиноятнинг сабаблари, жинойи хулқ-атворнинг шаклланиш жараёни, индивидуал хулқ-атвор моҳияти, мажбурлов ва огоҳлантирув чораларининг таъсири самараси. Бу эса судьяларни ихтисослашуви тамойилини фаол амалга оширишни тақозо этади.

Кўпчилик муаллифларнинг фикрича, бундай ихтисослашув судлов иш юритиш сифатини оширишга, амалиётнинг бирлиги ва барқарорлигига, тарбиявий профилактик ишларни максимал кенгайтириш ва мувофиқлаштиришга ёрдам беради.

Баён этилганлардан аёнки, судьяларнинг касбий ихтисослашуви муаммоси юридик фанларда доимий муҳокама мавзуси бўлиб, бу соҳада муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу муносабат билан вояга етмаганлар жиноятлари ҳақидаги ишларни махсус ажратилган судьялар томонидан кўриб чиқилиши амалиётини ЖПКда мустахкамлаб қўйиш лозим.

Бу борада хорижий давлатлар тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, Беларуссия Республикаси ЖПКси 430-моддасида вояга етмаганларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишларни махсус тайёргарликдан ўтган судьялар томонидан кўриб чиқилиши белгилаб қўйилган.

Ушбу қонундан яна бир қатор Европа давлатлари, масалан Германия, Швеция, Англия ва бошқа давлатлар қонунчилигида мустахкамлаб қўйилганлигини ҳам кўришимиз мумкин.

Судьяларнинг ихтисослашуви масаласини амалий ҳал қилиш борасида судьялар болалар ва ўсмирлар психологияси соҳасида замонавий билимлар мажмуасидан хабардор бўлишлари лозим. Бусиз вояга етмаган шахснинг хулқини, жиноят содир қилиш мотивларини асосли ва тўғри баҳолаш мушкул.

Шу муносабат билан масалани кенгроқ аспектда – мамлакат юридик

олий ўқув юртларида психология фанларини ўргатишни тубдан яхшилаш зарурлиги тарзида қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозир бу йўналишда айрим амалий қадамлар қўйилди. Хусусан, психологик мавзулар юридик олий ўқув юртлари ўқув режаларида акс эттирилди. Бироқ суд психологиясини ўрганишга етарли дарс соатлари ажратилган эмас. Кўриб чиқиладиган муаммо доирасида ўсмирлар психологияси соҳасида мутахассислар етарли эмас. Шундай экан муаммо ўз ечимини кутмоқда.

Маълумки, вояга етмаганлар ишлари бўйича иш юритишда умумий талаб жиноят сабаблари ва уни содир этишга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш мажбурияти ҳисобланади. Шу мақсадда суд мажлисида иштирок этиш учун ўсмирнинг турмуш ва тарбия шароитларини яхши билган шахсларни жалб этиш лозим. Улар орасида албатта ўқув-тарбия муассасалари, жамоат бирлашмалари, васийлик ва хомийлик органлари вакиллари бўлишлари лозим.

Айнан улар судланувчи ва унинг ота-оналари тўғрисида, мажбурлов ва тарбиявий характердаги чоралар ҳамда жиноят сабаблари ва унинг шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш билан боғлиқ бошқа ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни судга малакали тарзда баён этишлари лозим. Амалиёт кўрсатганидек, мазкур вакилларни суд муҳокамасига чақиртириш ва иштирок эттириш судланувчи ишлаган ёки тарбияланган жамоа ўртасида тарбиявий ишларнинг яхшиланишига ёрдам беради.

Суд мажлисида вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссия вакилларининг мажбурий иштироки анча мақбул амалиётдир. Бундай амалиётни қўллаш Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги қарорини амалда таъминлашга ёрдам бериши шубҳасиз.

2. Хорижий давлатлар жиноят процесуал қонунчилигида вояга етмаганларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишларни судда кўриш тартиби

Айрим хорижий давлатлар қонунчилигида вояга етмаганларнинг жиноят ишлари бўйича исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатларга тўхталиб ўтар эканмиз, бу борада ривожланган давлатларда ювенал юстициянинг ўрни муҳимдир. Ювенал юстициянинг ватани бўлган АҚШ суд тизимида эътибор қаратамиз. АҚШ ўз ҳуқуқининг шаклланиши, тузилиши, манбалари ва суд амалиётининг роли бўйича инглиз-саксон ҳуқуқий оиласига мансубдир.

АҚШда махсус юрисдикцияли судлар тизимида алоҳида ўринни вояга етмаганлар суди ташкил этади. Вояга етмаганлар суди баъзан оила суди вазифасини ҳам адо этиши мумкин. Мазкур судлар вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигига оид ишларни кўради, бундан ташқари, болаларига ғамхўрлик кўрсатмай келаётган ота-оналарга нисбатан чоралар кўради, шароити оғир ёки бола тарбияси учун оилавий шароити тўғри келмайдиган оилалардаги болалар тарбияси масаласини назорат қилиб боришади ҳамда оилавий низоларни ҳал қилишга ҳаракат қилишади⁷³.

Эътиборлиси шундаки, вояга етмаганлар иши бўйича судлар, бевосита, вояга етмаганларнинг содир этган ҳуқуқбузарликларини суд қилиш билан чекланмай, балки ўз фарзандлари ҳақида ғамхўрлик қилмаётган ота-оналарга нисбатан чоралар кўради, оилавий муҳит бола тарбияси учун ноҳуш бўлган оилалар устидан назорат ўрнатадилар ҳамда оилавий низоларни ҳал этишга ҳаракат қилишади. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, бу суднинг вазифаси оддий судлов билан чекланмай, балки қатор ижтимоий вазифаларни ҳам ўз зиммасига олган.

Франция ювенал юстициясининг хусусияти шундаки, вояга етмаганларнинг ишларини кўрувчи судлар ҳам бир неча категорияга ажратилган. Масалан, қасамёд қилганлар (присяжный) суди 16-18 ёшли

⁷³ Франция.// Правовые системы стран мира. М.:Норма. 2000. С. 613.

вояга етмаганларнинг оғир жиноятларини учта малакали судья ва тўққизта присяжнийлар таркибида кўради; 13-15 ёшли болаларнинг оғир жиноятларига доир ишларни, шунингдек 13-18 ёшлиларнинг жиноий деликтлари ва жиддийроқ ножўя ҳаракатларини вояга етмаганлар иши бўйича трибуналлар томонидан кўрилади.

Қизиғи шундаки, трибунал таркибидаги икки маслаҳатчи-ассессорлар бевосита болалар тарбияси масаласига ҳақиқатан қизиқадиган, жон куйдирадиган шахслар ичидан Адлия вазири томонидан тайинланади. Францияда вояга етмаганлар иши юзасидан алоҳида юстиция муассасалари фаолият кўрсатиб, улар махсус бўлинмалар тарзида умумий судлар тизимига киради. 16дан 18 ёшгача бўлган шахсларга нисбатан оғир жиноятларни содир этганликдаги айблов ишларини қасамёд қилувчилар (присяжнўе) суди кўриб ҳал этади.

Жиноий деликтлар ва жиддий ножўя ҳаракатлар содир этган 13 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахсларнинг ҳамда 13-15 ёшли ўсмирларнинг оғир жиноятларини Катта Жараён трибунали⁷⁴ ҳузурида ташкил этиладиган вояга етмаганлар иши юзасидан трибуналлар битта судья ва иккита маслаҳатчи (ассессорлар) иштирокида кўришади.

Эътиборлиси шундаки, ассессорлар адлия вазири томонидан ёшлар тарбиясига қизиқадиган одамлар ичидан тайинланади. Мабодо, судья маслаҳатчиларсиз, ўзи якка тартибда вояга етмаганларнинг жиноий деликтлари ва ножўя ҳаракатларига доир ишларни кўрадиган бўлса, бу ҳолда у (судья) судланувчига нисбатан фақат тарбиявий ва назорат чораларинигина қўллаш олади⁷⁵.

Алоҳида судлар деб номланган бундай судлар ишларни битта судья таркибида кўришади ва ҳар бир суднинг юрисдикцияси аниқ белгилаб қўйилган. Вояга етмаганлар иши юзасидан судлар ҳам алоҳида судлар тизимига киради. Грецияда ҳам вояга етмаганлар иши бўйича алоҳида

⁷⁴ Францияда 30 минг франкгача бўлган даъволарни кўрадиган судлар Кичик жараён трибунали, 30 минг франкдан юқори суммадаги даъволарни кўрадиган судлар эса Катта жараён трибунали деб номланади.

⁷⁵ Франция.// Правовые системы стран мира. М.:Норма. 2000. С. 526.

судлар мавжуд бўлиб, улар умумий судлар тизимига киради⁷⁶.

Германия ювенал юстицияси ҳам ўзининг ички ихтисослашганлиги билан эътиборга лойиқ. Вояга етмаганлар суди умумий судлар таркибига мустақил бўлинма сифатида кирган бўлиб, у 14-18 ёшли ҳуқуқбузарлик содир этганларнинг ишини кўради. Мабодо бошқа умумий суд 21 ёшгача бўлган ёшларнинг ҳатти-ҳаракатини «ўсмирларча характерга эга» деган хулосага келса, уларнинг ҳам ишини вояга етмаганлар суди кўриши мумкин⁷⁷.

Германия ювенал юстициясининг яна бир жиҳати шуки, катталар томонидан вояга етмаганларнинг манфаатига зарар етказилган бўлиб, ушбу масала юзасидан вояга етмаганни сўроқ қилиш зарурати мавжуд бўлса, бу ҳолда, бундай ишлар ҳам вояга етмаганлар судида кўрилади. Федерация субъектлари бўлган ерларда вояга етмаганлар иши бўйича суд палаталари, участка судларида эса – вояга етмаганлар иши бўйича шаффенлар суди (битта профессионал судья ва иккита шаффенлар таркибида) ва вояга етмаганлари иши бўйича судья томонидан кўрилади. Эътиборли томони шундаки, шаффенлар албатта ёшлар билан ишлаш бўйича катта тажрибага эга бўлган бўлиши ва албатта, уларнинг биттаси аёл бўлиши талаб этилади⁷⁸.

Ушбу масалада Италия тажрибаси ҳам алоҳида эътиборга сазовордир. Хусусан, 1988 йили Италияда вояга етмаганлар иши юзасидан судлар тизими қайта ташкил этилиб, ҳар бир апелляция судлари округларида вояга етмаганлар иши юзасидан мустақил трибуналлар ташкил этилган. Бу судларнинг таркиби икки малакали юрист ва икки экспертдан иборат таркибда ташкил этилган, экспертлар бир эркак ва бир аёлдан иборат бўлишади. Мазкур трибуналлар 18 ёшгача бўлган ўсмирларнинг ҳуқуқбузарликларига доир ишларни кўришади. Трибунал

⁷⁶ Франция // Правовые системы стран мира. М.:Норма. 2000. С. 526.

⁷⁷ Филимонов Б.Л. Защитник в германском уголовном процессе. М: СПАРК, 1997. -С.63., Eisenberg U. Jugendgerichtsgesetz 8 Aufl., 2000 §68 Rn. 8.

⁷⁸ Правове система стран мира. Энциклопедический справочник. М. 2000.; Мельникова Э.Б. Ювенальная юстиция. М., Фонд НАН.1999.

қарори юзасидан бериладиган шикоятларни икки худди шунақа экспертлар иштирокида апелляция судининг икки палатасининг бири кўриб чиқади.

Австралияда ҳам махсус судлар қаторида вояга етмаганлар иши юзасидан судлар мавжуд бўлиб, улар ўсмирлар томонидан содир этилган кам аҳамиятли ҳуқуқбузарлик ишларини кўради. Бундан ташқари мазкур судлар болалар ва ўсмирларга қарши қаратилган жиноятларни ҳам кўради. Бу судларнинг яна бир муҳим вазифаси бўлиб, йўқолиб қолган оналарни топиш, қаровсиз болалар тўғрисида ғамхўрлик қилиш ҳисобланади.

Дарҳақиқат, вояга етмаганларнинг жиноят ишларини суд мажлисида кўриб чиқиш билан боғлиқ масалалар бўйича ҳам ҳорижий давлатлар тажрибасига мурожаат қилиш ўринли бўлади. Бир қатор давлатларнинг жиноят - процессуал қонунларида моҳиятан ахлоқий талаблар меъёрлари мустаҳкамланган. Масалан, Германия давлати ЖПК 220-моддасида “раислик қилувчи процесснинг барча иштирокчилари фуқароларнинг кадр-қиммати ва суднинг обрўсига тажовуз қилмасликлари ҳақида жон куйдирмоғи лозим”лиги таъкидланган. Польша Республикаси ЖПК 307-моддасида эса “суд мажлиси залига маст ҳолатда келиш ёки нолайик кийимда ҳозир бўлиш” ва шу кабилар ман этилиши кўрсатилган.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича суд жараёнларида ташкилий ва ахлоқий жиҳатлар алоҳида аҳамиятга эғалигини ҳисобга олган ҳолда Польша Республикаси тажрибасини кўллаб, шу турдаги жиноят ишлари бўйича суд мажлисида юқорида келтирилган мансабдор шахс иштирокини таъминлаш зарур. Жумладан, суд мажлиси залида жамоатчилик вакилларининг доимий навбатчилигини ташкил этиш ҳам мумкин. Бироқ масалани бундай ҳал этиш унга пухта тайёргарлик кўришни талаб этади.

Фикримизча, Польша Республикасининг вояга етмаганлар ишларини судда кўришнинг айрим жиҳатлари бўйича тажрибасини ўрганиш ва фойдаланиш ижобий натижаларга олиб келади.

Қайси муассаса ва ташкилотлар вояга етмаганлар ишлари бўйича

вакилларни юборишлари мумкинлиги эса МДХ давлатлари ЖПКларида турлича ҳал қилинган.

Мустақил давлатларнинг кўпчилиги ЖПКларида (Россия, Беларуссия, Қозоғистон, Молдова, Тожикистон, Қирғизистон) суд мажлисларида ўқув-тарбия муассасалари ва жамоат ташкилотлари вакилларининг иштироки ҳақида сўз юритилади.

Озарбайжон (107-модда), Туркманистон (255-модда) ЖПК-ларида вакиллари суд муҳокамасида қатнашиши мумкин бўлган ташкилотлар доираси ўзгача. МДХ давлатлари ЖПКларига мувофиқ суд мажлисида вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар вакиллари, вояга етмаганлар тарбиясига масъул бўлган мактаб ва жамоат ташкилотлари вакиллари, шунингдек халқ таълими органлари ва ҳомийлик органлари вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Шубҳасизки, бундай турдаги ахлоқий талабларнинг жиноят-процессуал қонунларида мустаҳкамланишига ижобий қараш, уларни ўзлаштириш маъқул ва мақсадга мувофиқдир.

Шунга кўра, ҳозирги вақтда Молдова Республикаси ЖПК (132м); Эстония Республикаси ЖПК (126м) ва кўпчилик МДХ давлатларининг ЖПКларида кўзда тутилганидек, вояга етмаган шахсни сўроқ қилишда педагог иштирокининг мажбурийлиги мақсадга мувофиқдир.

Хорижий давлатларда вояга етмаганлар жиноятлари тўғрисидаги ишларни судда кўриш тизими ўзига хос тартибда ихтисослаштирилганлигини ҳамда алоҳида қоидалар билан тартибга солинишини кўришимиз мумкин.

3. Вояга етмаган шахсга нисбатан ҳукм қилишда ҳал қилинадиган масалалар

Суд томонидан маълум жиноят иши юзасидан ҳукм чиқариш бу жиноят ишини якуний босқичи ҳисобланади.

Суд айбланувчига нисбатан ҳукм чиқаришда Ўзбекистон Республикаси ЖПК 457-моддасига асосан қуйидаги масалаларни ҳал қилиши белгиланган:

- 1) судланувчи айбли деб топилаётган қилмиш ҳақиқатан содир этилганми;
- 2) бу қилмиш жиноят деб ҳисобланадими ва у Жиноят кодексининг қайси моддасида назарда тутилган;
- 3) бу қилмишни судланувчи содир этганми;
- 4) судланувчи жиноят содир этилишида айблими ва, башарти айбли бўлса, унинг айби қандай шаклда;
- 5) судланувчининг жавобгарлигини енгиллаштирадиган ва оғирлаштирадиган ҳолатлар борми;
- 6) судланувчи содир этган жинояти учун жазоланиши керакми;
- 7) судланувчига қандай жазо тайинланиши лозим ва у шу жазони ўташи керакми;
- 8) судланувчини Жиноят кодексининг 34-моддасига мувофиқ ўта хавфли рецидивист деб топиш лозимми;
- 9) озодликдан маҳрум қилинган маҳкум жазони қандай тартибли колонияда ўташи лозим ва жазо муддатининг бир қисмини турмада ўташи керакми;
- 10) фуқаровий даъво қаноатлантирилиши керакми, бу даъво кимнинг фойдасига ва қанча миқдорда қаноатлантирилиши лозим, шунингдек фуқаровий даъво қўзғатилмаган бўлса, жиноят туфайли келтирилган мулкӣ зарар ундирилиши керакми, судланувчилар шериклик ёки ҳиссадорлик тартибида жавобгарликка тортилишлари лозимми;
- 11) фуқаровий даъвони таъминлаш учун хатланган мол-мулкни нима қилиш керак;
- 12) ашёвий далилларни нима қилиш керак;
- 13) процесс чиқимларини кимнинг зиммасига ва қанча миқдорда юклаш керак;

14) судланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини танлаш, илгаригисини колдириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш керакми;

15) судланувчига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ёхуд унинг устидан ҳомийлик белгилаш зарурми.

16) судланувчига нисбатан лавозимидан четлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини бекор қилиш керакми каби масалалар.

Вояга етмаганларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишларни кўриб ҳукм чиқаришда эса суд булардан ташқари Ўзбекистон Республикаси ЖПК 563-моддасига асосан вояга етмаган судланувчига нисбатан ҳукм чиқаришда суд, ушбу Кодекснинг 457-моддасида кўрсатилган масалалардан ташқари, башарти вояга етмаган шахс шартли ҳукм қилинса, унга озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланса, вояга етмаган шахсга жамоат тарбиячиси тайинлаш зарурлигини муҳокама қилишга мажбурлиги белгилаб қўйилган.

Бу борада хорижий давлатлар жиноят процессуал қонунчилигига назар ташлайдиган бўлсак Россия Федерацияси ЖПКси 430-моддасига кўра вояга етмаган жиноят содир этган шахснинг жиноят иши юзасидан ҳукм чиқаришда судя умумий ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар билан бир қаторда унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш масаласини ва унга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаш лозимлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши ва буни ҳукмда акс эттириши лозимлиги белгилаб қўйилган.

Ушбу қоида Белоруссия Республикаси ЖПКси 439-моддасида, Молдова ЖПКси 485-моддасида, Қозоғистон Республикаси ЖПКси 494-моддаларида белгилаб қўйилган.

Бизнинг Жиноят процессуал Кодексимиз 564-моддаси 2 қисмида шунга ўхшаш қоида белгиланган, яъни, унга кўра вояга етмаган шахсга нисбатан ишни кўришда Жиноят кодекси 87-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда суд вояга етмаган шахсни жазодан озод қилиш ва унга нисбатан мажбурлов чорасини қўлланиш

тўғрисидаги масалани муҳокама этиши шарт. Суд мажбурлов чорасини қўлланиш ёки қўлланмаслик тўғрисида асослантирилган ажрим чиқариши белгилаб қўйилган.

Тадқиқот давомида Тошкент шаҳридаги бир неча судьялар амалиётдаги муаммолар хусусида сўровдан ўтказилиб, улар ЖПКнинг ушбу қондаси, яъни, вояга етмаган шахсга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жазо ва жавобгарликдан озод қилиш жуда кам ҳолатларда қўлланилаётганлигини билдиришди.

Бизнинг фикримизча, хорижий давлатларда қўлланилаётган қондани, яъни, вояга етмаганлар жиноятлари тўғрисидаги ишлар юзасидан ҳукм чиқаришда ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар сирасига вояга етмаган шахсга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жазо ва жавобгарликдан озод қилишни қўллаш масаласини кўриши кераклигини тўғридан тўғри белгилаб қўйилса вояга етмаганлар жиноят ишларини судда кўриш самарадорлиги бирмунча ошган бўлар эди деб ҳисоблаймиз.

ЖПК 563-моддасини қуйидаги таҳрирда ўзгартирилиши лозимлигини таклиф қиламиз:

"Вояга етмаган судланувчига нисбатан ҳукм чиқаришда суд, ушбу Кодекснинг 457-моддасида кўрсатилган масалалардан ташқари, башарти вояга етмаган шахс шартли ҳукм қилинса, унга озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланса, вояга етмаган шахсга жамоат тарбиячиси тайинлаш зарурлигини муҳокама қилишга мажбур.

Бундан ташқари суд томонидан вояга етмаган шахсга нисбатан ҳукм чиқаришда суд, вояга етмаган шахсни жазодан озод қилиш ва унга нисбатан мажбурлов чорасини қўлланиш тўғрисидаги масалани муҳокама этиши шарт".

Суд вояга етмаганларга нисбатан ЖКнинг жавобгарликдан озод қилишни назарда тутувчи 64-68-моддалари ва жазодан озод қилиш тўғрисидаги 69-4-76-моддаларни қўллашдан ташқари бундай шахслар учун

махсус мўлжалланган жазони дифференциялаш ва индивидуаллаштиришни талаб қилувчи 81-90 моддаларни қўллаб, етарли ҳаётий тажрибага эга бўлмаган ўспиринларга енгиллик бериш лозим.

Қилмиш учун жинойт жавобгарликни белгилаш асослари барча учун бир хилда ифодаланган. Лекин жисмоний ёки руҳий ҳолатига кўра, шунингдек бошқаларнинг мажбурлови таъсири остида ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатни содир этган ўсмирга нисбатан жавобгарлик ва жазо масаласи, шубҳасиз “имтиёзли” равишда ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига вояга етмаганларнинг жавобгарлигини назарда тутувчи олтинчи бўлим биринчи марта киритилди. Ундаги ҳуқуқий нормалар вояга етмаганларга берилиши мумкин бўлган жазо тизими ва уни тайинлашга оид моддалар воситасида табақалаш тартиби ўрнатилди. Шунингдек, вояга етмаган шахсларга бериладиган жазони индивидуаллаштириш, уларни жазодан озод қилиш ёхуд енгилроғи билан алмаштиришга оид имтиёзли қоидаларни ўрнатди.

Жумладан, вояга етмаган маҳкумларга фақат жарима, аҳлоқ тузатиш ишлари, қамоқ ва озодликдан маҳрум қилиш жазолари қўлланиши уларга кўшимча жазоларни тайинламаслик белгилаб қўйилди. Жазоларнинг жиддийлик даражаси ҳам камайтирилди. Масалан, жарима катта ёшдагиларга энг кам иш ҳақининг 5-600 баробаригача миқдорда тайинланса, вояга етмаганларга энг кам иш ҳақининг 2-20 баробаригача тайинланиши мумкин.

Аҳлоқ тузатиш ишлари, озодликдан маҳрум қилиш муддати ҳам камайтирилган. Вояга етмаганларнинг ҳолати даражаси, турмуш шароити, тарбияси, соғлиги, содир этган жинойтининг сабаблари, катта ёшдагиларнинг ва бошқа ҳолатлар таъсирини ҳисобга олиш талаб қилинади.

Бир неча жинойт учун жазо тайинлашда 13-16 ёшгача бўлгандек озодликдан маҳрум этиш жазосининг энг кўп муддати ўн йилгача, агар содир этган жинойтларнинг биттаси ўта оғир бўлса - ўн икки йилгача

тайинланади. Агар маҳкум 16-18 ёшда бўлса, бир қанча жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш ўн икки йилгача, жиноятлардан бири ўта оғир бўлса – ўн беш йилгача муддат тайинланиши мумкин.

Судлар ана шу хил имтиёзли нормаларни, шубҳасиз, кенг қўламда қўллашлари талаб қилинади. Уларни қўлламаслик сабаблари ҳамма вақт ҳукмда батафсил кўрсатилган бўлиши лозим.

Вояга етмаганлар учун жавобгарликни табақалаштириш уларга тайинландиган жазони индивидуаллаштириш муаммолари жиноий ҳуқуқига ҳам, жиноятнинг процессуал ҳуқуқига ҳам тааллуқли.

Шу билан бир қаторда тадқиқот доирасида Тошкент шаҳридаги бир қатор судьялар билан вояга етмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан жазо тайинлаш амалиётида юзага келаётган муаммолар тўғрисида сўровдан ўтказилганда улар вояга етмаган шахсларга ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашда бир қатор муаммолар юзага келаётганлигини билдиришди.

Бунда вояга етмаган шахс асосан коллеж лицей талабаси ёки мактаб ўқувчиси бўлади. Унга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинласа 12 йиллик мажбурий таълим принципига зид келиши мумкин.

Шу ўринда таклиф сифатида айтишимиз мумкинки, вояга етмаган шахсларга ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлаётганда унинг ўша ўқиш жойига мажбурий тартибда бириктириб қўйилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ёки унга бошқача бир мажбуриятларни юклаш лозим. Масалан, маълум вақтда дарсда бўлиш, маълум вақтда кутубхонада бўлиш каби.

Жиноят ҳуқуқида бу борадаги имкониятлар бағрикенглик руҳида ҳал қилинса-ю, жиноятнинг процессуал ҳуқуқида ана шу имкониятлардан фойдаланиш механизми батафсил ишлаб чиқилмаса, қонун нормалари қанчалик инсонпарварлик руҳида бўлмасин, тўла амалга оширилмай қолаверади.

Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган қонунига мувофиқ, жиноят содир этган шахс жабрланувчи билан ярашса жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин (ЖК 66-модда).

Бу норма жиноий ҳуқуққа оид. Унда жиноий жавобгарликдан озод этишнинг алоҳида, янги кўриниши белгиланган ва бу моддий ҳуқуқдан фойдаланиш шартлари белгиланган.

Бу шартлар учта: а) шахс биринчи марта жиноят содир этган бўлиши; агар илгари ҳам жиноят содир қилган бўлса, жавобгарликка тортгани ва мазкур ҳуқуқидан фойдаланмаслиги; б) ўз айбига иқрор бўлиши; иқрорлик ўз айбини бўйнига олиб ҳуқуқни муҳофаза этувчи тегишли давлат органларига арз қилиши, сўроғ қилинганда айби борлигини ўз ихтиёри билан тўла, аниқ тан олиши, пушаймонлик билдириши, жабрланувчидан кечирим сўраш тарзида ифодаланиши лозим;

в) жиноят натижасида етказилган зарарни бартараф этиши. Кўрсатилган шартлардан бирортасини ҳам инкор этиш, бузиш мумкин эмас. Шундай қилиб, жиноий қонун жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун асослар ва шартларни белгилаб беради. Уларни амалда қўлланиш тартиби эса жиноят процессуал қонунининг 62-бобида 582-586 моддаларида батафсил баён этилган. Чунончи:

-ярашув тўғрисидаги аризани жиноятига иқрор бўлган шахс эмас, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ёки унинг қонуний вакили томонидан то суд маслаҳатхонага киргунча бериш;

-иш бўйича бир неча жабрланувчи бўлса, уларнинг барчаси шундай ариза бериши мумкинлиги;

-бундай аризалар берилгандан кейин улардан воз кечиш мумкин эмаслиги;

-судланувчи, терговчи, прокурор аризани олгач, ишни етти суткадан кечиктирмай судга юбориши, суд мажлиси ўн суткадан кечиктирмай ўтказилиши лозимлиги;

-суд мажлисида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи, фуқаровий гувоҳлар, уларнинг қонуний вакиллари, ҳимоячи ва прокурор иштирок этиши;

-суд ярашувининг ихтиёрийлиги ва сабаблари, ярашувчиларга бирма-бир тазйиқ бўлмаганлигини текшириши каби муайян процессуал қоидалар белгиланган.

Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи вояга етмаган бўлса ҳам қонунга мувофиқ умумий нормаларга риоя қилиши лозим.

Фикримизча, ушбу қоидада балоғатга етмаганларнинг ишлари бўйича баъзи хосликларни эътиборга олиб тўлдириш, аниқлаштириш мақсадга мувофиқ.

Биринчидан, агар гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар вояга етмаган бўлса, уларнинг қонуний вакиллариининг ярашиш тўғрисидаги аризага муносабатларини аниқлаш ва судда масалани ҳал этишда эътиборга олиниши лозим.

Жумладан, вояга етмаган судланувчи ярашишга мойил бўлган ҳолда унинг ота-онаси ва бошқа қонуний вакиллари норози бўлсалар ҳам масала ижобий ҳал қилиниши лозим. Вояга етмаганнинг иқдорлиги, розилиги бўлмаса-да, унинг қонуний вакиллари билан жабрланувчи ўртасида ярашув аҳди тузилган ҳолда иш судга юборилиши ва суд масаланинг барча ҳолатларини ҳисобга олиб, ярашувни маъқуллашга ҳақли бўлиши мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, ЖК 66-1-моддасида ярашганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг шarti сифатида шахс жиноятни биринчи марта содир этган бўлиши назарда тутилади. Вояга етмаганларга нисбатан бу шартдан чекиниш лоақал агар у илгари эҳтиётсизлиги оқибатида, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят қилгани ҳолда ҳам жавобгарликдан озод қилиш учун тўсиқ бўла олмаслиги қонунда акс эттирилиш зарур.

Учинчидан, ЖПК 66-1-моддасига кўра, шахс етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин. ЖПКнинг 585-моддасига биноан суд бу тоифа ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ўзи содир этган қилмишининг оқибатларини англаганини ва етказилган зарарни бартараф этиш чораларининг кўрган-кўрмаганини, зарарни ўрнини қоплаш билан боғлиқ масалаларни аниқлайди.

Амалиётда зарар бартараф этилмаган, тўла ўрни қопланмаган ҳолатлар, жабрланувчи ярашувга фақат тўла ёхуд муайян қисми миқдорда қоплантирсагина рози эканлиги, вояга етмаган шахс ва унинг қонуний вакиллари зарарни тўлашга моддий қурби етмаслиги каби ҳолатлар учрамоқда. Бу масалани Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарори билан ҳал этиш, тартибга солиш мумкин эмас, фақат қонунга аниқлик киритиш йўли билан ҳал қилинмоғи лозимдир. Шунингдек, вояга етмаганнинг жиноий ишлари бўйича етказилган моддий зарар тўла қопланганлигини тан олиниши билан боғлиқ қоида қонунга киритилиши мақсадга мувофиқдир.

Тўртинчидан, вояга етмаганларга нисбатан ЖК 66-1-моддасида санаб ўтилган жиноятлар рўйхати тўлдирилиши ҳақидаги масала муҳокама қилиниши лозим. Чунки вояга етмаганлар бу рўйхатга кирмаган бир қанча жиноятларни ҳаётий тажрибаси етарли бўлмагани сабабидан ҳам содир этадилар.

Жазо тайинлаш ва уни ижро этиш масалалари ЖК ва ЖПКда бир-бирларига мос равишда тартибга солинган бўлмоғи шарт. Лекин Республикамиз қонунларида бу борада барча ҳуқуқий нормалар мукамал деб бўлмайди.

Шунингдек, шартли ҳукм қилинган шахсни, айниқса вояга етмаганнинг ҳулқ - атворини кузатиш тартиби ва услубларини ишлаб чиқилиши ва қонунда ўз аксини топиши лозим.

Ш боб бўйича хулосалар:

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, биринчидан, хорижий давлатларда қўлланилаётган қондилари, яъни, вояга етмаганлар жиноятлари тўғрисидаги ишлар юзасидан ҳукм чиқаришда ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар сирасига вояга етмаган шахсга нисбатан нисбатан мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жазо ва жавобгарликдан озод қилишни қўллаш масаласини кўриши кераклигини тўғридан тўғри белгилаб қўйилса вояга етмаганлар жиноят ишларини судда кўриш самарадорлиги бирмунча ошган бўлар эди деб ҳисоблаймиз.

ЖПК 563-моддасини қуйидаги таҳрирда ўзгартирилиши лозимлигини таклиф қиламиз:

"Вояга етмаган судланувчига нисбатан ҳукм чиқаришда суд, ушбу Кодекснинг 457-моддасида кўрсатилган масалалардан ташқари, башарти вояга етмаган шахс шартли ҳукм қилинса, унга озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланса, вояга етмаган шахсга жамоат тарбиячиси тайинлаш зарурлигини муҳокама қилишга мажбур.

Бундан ташқари суд томонидан вояга етмаган шахсга нисбатан ҳукм чиқаришда суд, вояга етмаган шахсни жазодан озод қилиш ва унга нисбатан мажбурлов чорасини қўлланиш тўғрисидаги масалани муҳокама этиши шарт"

Шунингдек, иккинчидан, вояга етмаганлар ишлари бўйича суд жараёнлари сифати самарасини ошириш ўзининг долзарблиги билан кун тартибига мазкур турдаги жиноят ишлари бўйича судьяларнинг ихтисослашуви масаласини қўймоқда.

Умуман судда жиноятларни, айниқса вояга етмаган ҳуқуқбузарларнинг ишларини муҳокама қилиш, тўртта ўзаро боғлиқ муаммоларини комплекс ўрганишни назарда тутди: жиноятнинг сабаблари, жиний хулқ-атворнинг шаклланиш жараёни, индивидуал хулқ-атвор моҳияти, мажбурлов ва огоҳлантирув чораларининг таъсири

самараси. Бу эса судьяларни ихтисослашуви тамойилини фаол амалга оширишни тақозо этади. Кўпчилик муаллифларнинг фикрича, бундай ихтисослашув судлов иш юритиш сифатини оширишга, амалиётнинг бирлиги ва барқарорлигига хизмат қилади.

ХУЛОСА

Ҳар бир тадқиқотдан мақсад бу маълум бир соҳани ислоҳ қилиш ва ундаги камчиликларни тадқиқ этган ҳолда янгилик киритиш ҳисобланади. Шу мақсадда тадқиқот матнида баён этилган қоидалардан келиб чиқиб қуйидаги хулосаларга келдик:

I. Жиноят процессуал қонуни ва бошқа соҳавий норматив ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича таклифлар:

1. ЖПК 548-моддасига қуйидагича 5 ва 6-банд киритишни таклиф қиламиз: "Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича, ушбу Кодекснинг 82 - 84-моддаларида кўрсатилган ҳолатлардан ташқари, қуйидагилар исботланиши лозим:

1) вояга етмаган айбланувчининг аниқ ёши (туғилган йили, оyi, куни);

2) вояга етмаганнинг шахсига хос хусусиятлар ва унинг саломатлиги ҳолати;

3) унинг турмуш ва тарбияланиш шароитлари;

4) катта ёшли далолатчилар ва бошқа иштирокчиларнинг бор ёки йўқлиги.

5) вояга етмаганнинг жисмоний, ақлий ва руҳий ривожланиш хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар;

6) вояга етмаганнинг хулқ-атвори тўғрисидаги маълумотлар, хусусан унинг илгариги ҳуқуқбузарликлари ва шу муносабат билан унга нисбатан қўлланилган чоралар ҳақидаги маълумотлар";

2. Жиноят қонунида вояга етмаганларнинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ҳолатларнинг батафсил рўйхатини махсус белгилаш зарур. Бу ҳақда тегишли нормани ЖК 55-модда "ж" бандига қўшимча тарзда бериш ва унга бошқа ҳолатлар билан бирга турмуш ва тарбияланишнинг ёмон шароитларини киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди;

3. Ўзбекистон Республикаси ЖПК 551-моддасини кенгроқ талқин

қилиш, чунончи вояга етмаган судланувчиларнинг ишлари бўйича суд мажлисида қатнашиш учун ўз вакилларини ажратиш ҳуқуқига эга бўлган жамоат ташкилотлари доирасини кенгайтириш лозим;

4. Ўзбекистон Республикаси ЖПКси 13-бўлим, 60-бобига жамоатчилик назоратини амалга оширувчи субъектларнинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи муайян модда киритилса мақсадга мувофиқ бўлар эди;

5. ЖПК 554-моддаси қуйидаги таҳрирда баён қилиниши лозим:

"Вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчини сўроқ қилишда педагог ёки психолог иштирок этиши шарт. У айбланувчига саволлар беришга, сўроқ тугаганидан сўнг эса, сўроқ баённомаси билан танишиб, баённомадаги ёзувларнинг тўғрилиги ва мукамаллиги ҳақида ўз фикрларини ёзма равишда беришга ҳақлидир. Бу ҳуқуқлар терговчи томонидан педагог ёки психологга вояга етмаган шахсни сўроқ қилишдан олдин тушунтирилади ва бу ҳақда сўроқ баённомасида қайд қилинади";

6. Ўзбекистон Республикасининг ЖПК 551-моддасига ўзгартиш киритиб, суд вояга етмаган шахсларни ишини судда кўришда унинг ота-онасини, ота-она ўрнини босувчи шахслар, вояга етмаганлар ўқиган ёки ишлаган корхонани, муассасани, ташкилотни, вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссияни, зарур бўлса бошқа ташкилотларни ҳам хабардор қилади ва суд бу ташкилотларнинг вакилларини, судланувчининг васий ёки ҳомийсини чақиришга мажбур, деб белгиланиши мақсадга мувофиқ. Бу судьянинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаслиги керак;

7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодексининг 14-моддасини қўйдагича 6 қисм билан тўлдиришни таклиф этамиз: "Вояга етмаганларга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари Халқ таълими вазирлиги томонидан ижро этилади". Бундай қисм билан тўлдиришдан мақсад, судда вояга етмаганларга ахлоқ тузатиш ишлари тайинланганда, уларнинг иш жойи бўлмаганлиги сабабли, бу жазони қаерда ўташи керак деган савол юзага келади. Ана шунинг учун ҳам бу жазо вояга етмаганларга

тайинланганда, бу жазони ижро этиш масаласини Халқ таълими вазирлигига бериши лозим. Халқ таълими вазирлиги бу жазони, вояга етмаган тарбия олган мактабда, лицейда, коллежда ободонлаштириш учун ўташни белгилаб берса унинг тарбиявий аҳамияти кучайган бўлар эди деб ўйлаймиз;

8. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 22-моддасига **“Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишда прокурорлар ушбу Қонуннинг 22,25,28,31,33-моддаларида кўрсатилган ваколатлардан ҳамда 37-моддада кўрсатилган прокурор назорати ҳужжатлари турларидан фойдаланади”** деган қўшимча киритилиши лозим;

9. Умуман олганда барча прокурор назорат ҳужжатларида ҳам вояга етмаганлар учун алоҳида тартиб ўрнатилмаган. Бу борада, вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан алоҳида тартиб ўрнатилса, масалан, протестни кўриб чиқиш муддатини 10 кундан 5 кунга қисқартирилса, бунинг учун Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 38-моддасига иккинчи абзацидан кейин учинчи абзац сифатида **“Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан протест келиб тушган вақтдан бошлаб беш кунлик муддатдан кечиктирмай кўриб чиқилиши шарт”** деган ўзгартириш киритилса, мақсадга мувофиқ бўлган бўлар эди. Чунки, вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан бундай ўзгартиришни киритиш вояга етмаганлар ҳуқуқларини янада мустаҳкамлаган, ҳар қандай орган ва мансабдор шахс олдида масъулиятни кучайтирган бўлар эди;

10. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми 2000 йил 15 сентябрдаги “Вояга етмаганлар жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорига қўшимча 14 банд киритилиб, ушбу банд қуйидагича берилишини: **“Вояга етмаганга ахлоқ тузатиш тариқасидаги жазо тайинлаш вақтида суд, уни ишлаш ишламаслигини аниқлаши лозим. Агар вояга етмаган ишламайдиган**

бўлса, бундай ҳолда жазони ижро этиш масаласи юзасидан Халқ таълим вазирлигига мурожаат этиши лозим”.

II. Суд амалиётини ривожлантиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар:

11. Биз юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, вояга етмаган шахслар ўсмир ёшда эканлиги, руҳий-психологик ўзгаришлар кечадиган даврда эканликларини эътиборга олган ҳолда уларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишларни юритишда психолог ва педагог иштирокининг мажбурийлигини белгилаб қўйиш лозим. Психолог бўлганда ҳам оддий психолог эмас маълум ҳаётий тажрибага эга, болалар ва ўсмирлар психологиясини яхши тушунадиган, болалар билан узлуксиз ишлаган, камида **3 йиллик меҳнат стажига эга** психологлар иштирокини мажбурий қилиб қўйилиши лозим.

12. Вояга етмаганлар жиноятлари ҳақидаги ишларни махсус ажратилган судьялар томонидан кўриб чиқилиши амалиётини ЖПКда мустақкамлаб қўйиш лозим. Вояга етмаганлар ишлари кўрилаётганда фарзанд тарбиялаган ва тарбиялаётган судьялардан фойдаланиш керак, чунки уларнинг руҳий ҳолатини фақатгина бола тарбиялаган инсонларгина тушуниши мумкин;

13. Вояга етмаганларга нисбатан муқобил (альтернатив) жазо чораларини қўллашни купайтириш лозим;

14. Жазони альтернатив (муқобил) турларидан фойдаланиш учун ҳуқуқий базани кучайтириш ва жиноят қонунчилигига тегишли ўзгартиришлар киритиш;

15. Вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчиликни огоҳлантириш ишлари ҳолати бўйича давлат ва жамоат мониторингини таъминлаш;

16. Вояга етмаган ҳуқуқбузарлар билан ишловчи суд ходимларини, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар ва бошқа ташкилот ходимларини психология ва педагогика, ювенал юстиция асосларини ўқитишни ташкил этиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.–Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. Расмий нашр. - Т.: Адолат, 2014.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т.: Адолат, 2013.
4. Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги" Қонуни // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами//4-сон. Т.:2008
5. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январ кунидаги "Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисидаги" Қонуни // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами//4-сон. Т.:2008
6. "Ўзбекистон Республикасининг "Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция"га доир "Болаларнинг қуролли можароларда иштирокига тааллуқли" Факультатив Протокол (Нью-Йорк 2000 йил 25 май)га қўшилиши тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 12 декабрдаги Қонуни;
7. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонуни;
8. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 16 апрелдаги "Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни;
9. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 08 апрелдаги "Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч

чоралар тўғрисидаги Конвенция" (Женева, 1999 йил 17 июнь)ни Ратификация қилиш тўғрисида"ги Қонуни;

II. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари:

1. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий кадрият. Т.:14. -Тошкент: Ўзбекистон, 2005. - 280 б.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Т.:14. -Тошкент: Маънавият нашриёти// 2008. -Б-173.
3. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш - устувор мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик Палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза, 2010 йил 27 январь // Асосий вазифамиз-ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир.-Тошкент: Ўзбекистон,2010.
4. Каримов И.А. Асосий вазифамиз-ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир. 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий юксалтиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза, 2010 йил 29 январь. Асосий вазифамиз-ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир.- Тошкент: Ўзбекистон. 2010.
5. И.А.Каримов 2012 йилда республика ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2013 йил 22 январь.

6. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. –Тошкент: Ўзбекистон, 2010. -56 б.

7. Каримов И.А. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.19. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 360 б

8. Каримов И.А. Юксак салоҳиятли авлодни тарбиялаш – энг муқаддас мақсад // Халқ сўзи, 2012 йил 18 февраль.

9. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Амалга ошираётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти куриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир” номли маърузаси.Т. Халқ сўзи. 2013. 9 декабр

IV. Асосий адабиётлар:

1. Иноғомжонова З. Ф. таҳрири остида “Жиноят процесси“ дарслик//Махсус қисм.“Янги аср авлоди“ нашриёти. Т.Адолат. 2008 й. Б-64.

2. Ирсалиев А. Вояга етмаганларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишлар юзасидан биринчи инстанция судларида юритиш. -Т.: ТДЮИ, 2003. –Б. 88.

3. Омигов В.И. Преступность несовершеннолетних: ее характеристика. Вопросы ювенальной юстиции. 2012. №3 (41).-Б.14.

4. Ҳамидова М. Ўзбекистон Республикасида ювенал юстициянинг шаклланиши// монография// Т.: Тошкент 2012//- Б-53

5. Тетюев С.В. Допрос несовершеннолетнего обвиняемого в стадии предварительного расследования :Процессуальный аспект : Дис. ... канд. юрид. наук : 12.00.09 : Челябинск, 2006. 299 с.

6. Саидов Б.А., Умархонов А.Ш. Жиноят процессии принциплари. Ўқув қўлланма/-Т. ЎзР ИИВ Академияси. 2010 й. Б.40.
7. Уголовная ответственность несовершеннолетних. М., Юрид.лит-ра. 1999, 121-125-бетлар.
8. Ювенал юстиция тарихи ҳақида кенгроқ қаранг: Судебная власть. Под.ред. проф.И.Л.Петрухина. М.,2003; Э.Б.Мельникова. Ювенальная юстиция. М.,1999.
9. Тўлаганова. Г.З. Жиноят процессида шахсий ҳуқуқларни чеклаш мезонлари. Монография / проф. Ғ.А. Абдумажидов таҳрири остида. –Т.: ТДЮИ, 2007. -243с.
10. Файзиев Ш.Ф.Жиноят-процессуал ҳуқуқи. (махсус қисм) Ўқув қўлланма. Проф. З.Ф. Иноғомжонованинг таҳрири остида. –Тошкент: ТДЮИ. – 2011. - 287 Б.
11. УПК Узбекской ССР. — Самарканд: Издательство Управделами СНК Уз ССР, 1930. С.33-34.

V. Қўшимча адабиётлар:

12. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Вояга етмаганларининг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2000 йил 15 сентябрдаги 21-сонли Қарори//Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами 1991-2006. Т.2. – Тошкент, 2007. -23-29 б.
13. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Судлар томонидан жиноят ишларининг биринчи босқич судида муҳокама этиш жараёнида процессуал қонунчиликка риоя қилиниши тўғрисида”ги 1997 йил 22 августдаги 12-сонли Қарори//Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами 1991-2006. Т.1. –Тошкент, 2007. -104-111 б.
14. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли Қарори//Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами 1991-2006. Т.2. –Тошкент, 2007. -225-243 б.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Ярашув тўғрисида ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 2002 йил 25 октябрдаги 27-сонли Қарори//Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами 1991-2006. Т.2. –Тошкент, 2007. -126-130 б.

16. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судга қадар иш юритиш босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида”ги 2007 йил 14 ноябрдаги №16 сонли Қарори//Ўлим жазосини бекор қилиш ва ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Тошкент: Адолат, 2007 – Б. 51-66

17. Холикулов У.Ш. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилиги бўйича вояга етмаганларга жазо тайинлаш муаммолари. Номз. Илм. Дар.олиш учун дисс... – Тошкент, 2006. 48 бет.

18. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2013 йил май ойидаги 10 - 10\ - 13 - сонли Ахборотномаси.

19. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтохур туман суди амалиётидан// Т.: 2013й

20. Андриянова Ольга Юрьевна " Общетеоретические положения о судопроизводстве по уголовным делам о преступлениях несовершеннолетних" Дис. ... д-ра юрид. наук : 12.00.09 : Россия, 2007

21. Ченцова Л.В. Особенности уголовно-процессуального производства по делам несовершеннолетних, не являющихся субъектами уголовной ответственности :Дис. ... канд. юрид. наук : 12.00.09 : Москва, 2002. 205 с.

22. Хисматуллин Р.С. Современные проблемы судебной деятельности по делам несовершеннолетних :Дис. ... д-ра юрид. наук : 12.00.09 : Уфа, 2002. 457 с.

23. Флоря Д.Ф. Расследование вовлечения несовершеннолетних в совершение преступлений :Дис. ... канд. юрид. наук : 12.00.09 : Москва, 2002. 194 с.

24. Угольникова Н.В. Прекращение уголовного дела в отношении несовершеннолетнего с применением принудительных мер воспитательного воздействия :Дис. ... канд. юрид. наук : 12.00.09 : Москва, 2000. 194 с.

25. Снегирева Н.И. Обеспечение прав и законных интересов несовершеннолетних участников уголовного процесса на стадии предварительного расследования :Дис. ... канд. юрид. наук : 12.00.09 : Воронеж, 2001. 248 с.

26. Семьянова И.С. Проблемы совершенствования расследования преступлений несовершеннолетних (Организационно-правовой аспект) :Дис. ... канд. юрид. наук : 12.00.09 : Омск, 2003. 174 с.

27. Попов А. Н Особенности предварительного расследования по делам о преступлениях несовершеннолетних :Дис. ... канд. юрид. наук : 12.00.09 : Красноярск, 2001. 254 с.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

1. Тухташева У.А. Ювенальная юстиция в Узбекистане: современное состояние и перспективы развития. Болалар ғайриижтимоий ҳаракатларининг олдини олиш борасидаги долзарб вазифалар ва устувор йўналишлар. Илмий амалий конференция материаллари. –Т.: “YURIST-MEDIA MARKAZI”, 2010. –Б. 107– 108.

2. Содикова Ш.. Вояга етмаганлар гиёҳвандлигининг олдини олишда оиланинг ўрни.// Гиёҳвандликка қарши кураш: назария ва амалиёт (ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатлар) мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. –Т.: ТДЮИ, 2002. –Б.92

3. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2013 йил май ойидаги 10 - 10\ - 13 - сонли Ахборотномаси.

4. Қодиров.Р.Х. // Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб ҳунар таълимининг мажбурийлиги баркамол ёш авлодни тарбиялашнинг муҳим

омилидир // Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси №3 (15)2013

5. Эргашев.А.// Вояга етмаганлар ҳуқуқларининг ҳимояси: кеча ва бугун// "Ўзбекистонда судьялар корпусини шакллантириш ва улар мустақиллигини таъминлаш масалалари" илмий амалий конференция материаллари тўплами // Т.: ТДЮИ нашриёти// 2012 -Б-88

VI. Интернет сайтлари

1. [http:// www. a-z.ru.assos.sydebnprav.uvenal. html](http://www.a-z.ru.assos.sydebnprav.uvenal.html)
2. <http://www.lawlibrary.ru>
3. www.dslib.ru
4. www.gow.uz
5. www.uza.uz
6. juvenal-justice.ru
7. [http:// www referat-law.info/037764-5.html](http://www.referat-law.info/037764-5.html)
8. [http:// www.notariusy.ru/publisher/c13.htm](http://www.notariusy.ru/publisher/c13.htm)
9. [http:// www.press-service.uz.](http://www.press-service.uz)